Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 27 сентябрь, чоршанба • № 76 (10.752) • Эркин нархда сотилади.

Тезкор матбуот гуруҳи хабарларидан

матбуот штабининг телефонлари: 33-40-48, 33-64-95, 33-90-82, 33-02-92, 33-38-41, 39-12-93.

ЯНА БЕКОБОД, ЎРТАЧИРЧИҚ, БЎКА ТУМАНЛАРИ ҒОЛИБ

ТОШКЕНТ вилояти ҳокимлиги 1995 йил пахта йиғим-теримида беш кунда энг юқори натижаларга эришган туманларни рағбатлантириб бормоқда. Куни кеча навбатдаги беш кунлик якунлари чиқарилди. Шунга кўра 16-20 сентябрь кунларида 5792 тонна пахта тайёрлаб, 13,92 фоиз ўсишни таъминлаган Бекобод тумани яна биринчи ўринни олиб, 30 минг сўм мукофот соҳиби бўлди. Шу даврда 4806 тонна пахта тайёрлаб 13,39 фоиз ўсишга эришган Ўртачирчиқ тумани иккинчи, 4705 тонна пахта тайёрлаб 11,31 фоиз ўсишни таъминлаган Бўка тумани учинчи ўринни олди. Уларга ҳам 20 минг ва 10 минг сўмлик мукофотлар берилади.

Биз пешқадам туманларнинг хирмонига барака тилаймиз!

МАМАШУКУР АКАНИНГ ДАСТЛАБКИ ХИРМОНИ

БЕКОБОД туманида пахта йиғим-терими кун сайин авж олмоқда.

Ҳар куни режани бажарган жамоалар, звенолар, пудратчи оилалар тўғрисида хушхабарлар келиб турибди. Булардан бири Навоий номли жамоа хўжалигининг 4-участкасида фаолият кўрсатаётган Мамашукур Марқабоев бошлиқ эвенодир. Бу жамоа 20 гектар майдоннинг ҳар гектаридан шу кунгача 25 центнерга етказиб пахта топширди. Уларнинг нияти ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш.

Тумандаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалигининг 6-участкасига қарашли Турдибой Жониқулов бошлиқ оилавий пудрат аъзолари ҳам 9 гектар ердан 28 центнердан ҳосил йиғиб олиб, ваъдаларини анча ошириб бажардилар. Пудратчи теримчилардан Қундуз Қурбонова, Холлиниса Ўтаева, Саломат Жўлиевалар ҳар куни 130 килограммга етказиб пахта термоқдалар.

Ш. ЗИЁДУЛЛАЕВ.

Ўртачирчиқ хушхабарлари

• 25 сентябрь куни Ўртачирчиқ туманида энг юқори натижага эришилди. • Шу куни давлатга 1850 тонна пахта топширилиб, 5,15 фоиз ўсишга эришилди. Бу ҳосилнинг 1314 тоннаси машиналарда териб олинди. • Ҳимматингизга балли, азаматлар!

ИЛҒОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

ҲАР ҚАНДАЙ ишда бўлганидек, йиғим-теримда ҳам меҳнатга яраша рағбат, ўз вақтида ҳақ тўлаш, моддий манфаатдорлик иш суръатини оширишнинг муҳим омилидир. Туман ҳокимлиги ўз фаолиятида бу масалага алоҳида эътибор беряпти. Илғор теримчилар учун биринчи ўн кунлик якуни бўйича 10 минг сўм пул мукофоти ажратилган эди. Куни кеча мусобақа, меҳнат беллашуви якуни кўриб чиқилиб, охунбобоевликлар пешқадам деб топилди. Бу жамоа хўжалиги ўн кунда 14,9 фоиз пахта тайёрлабди. Илғор теримчиларни мукофотлаш учун хўжаликка 5 минг сўм пул ажратилди. «Ўзбекистон» жамоа хўжалигига 3 минг сўм, учинчи ўринни эгаллаган «Роватак» жамоа хўжалигига 2 минг сўм пул мукофоти берилди.

95 ФОИЗИ МАШИНАДА

КЎРИЛАЁТГАН тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг Жўра Юнусов бригадаси аъзолари 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 27 центнердан, жами 190 тонна пахта топширишиб, маррага барвақт етиб келдилар. Бунда механизаторлар Эрали ва Мутал Тожиқуловларнинг ҳиссаси катта бўлди. Уларнинг ғайрати билан 95 фоиз пахта машинада терилди.

Шу хўжаликнинг Этамберди Пўлатов бошлиқ жамоаси ҳам режани барвақт бажарди. Гектаридан 27 центнердан ҳосил олинишида механизаторлардан Э. Саидов, С. Холдибоев, теримчилардан М. Мамазоитова, Р. Алимбетова, Қ. Алсаидовларнинг хизматлари катта бўлди.

БЕШ КУНЛИК ҒОЛИБИГА ГИЛАМ

«ҚОРАСУВ» жамоа хўжалигининг Салим Султонов бошлиқ бригадаси беш кунликда юқори натижага эришиб, хўжалик бошқарувининг махсус мукофотини олишга сазовор бўлди. Бу қимматбаҳо совға—гиламни бошқарув раисининг ўзи Турғунбой Орипов тантанали равишда топширди.

БИР-БИРИДАН ЎЗАМАН ДЕЙДИ

А. ИКРОМОВ номли жамоа хўжалиги далаларида 300 дан ортиқ теримчи меҳнат қилаётир. Улар ҳар дам, ҳар соатни ғанимат билиб, ғоятда унумдорлик билан ишламоқдалар. Айниқса, Холбуви Бобашева, Турғунбой Турсунов, Фотима Тўрақулова, Қолдигул Абдуматқосимова сингари теримчилар юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Уларнинг ҳар бири кунига хирмонга 160—200 килограммга етказиб пахта топширмоқдалар. Пешқадам теримчиларга пул мукофотлари бериб турилибди. Бундан ташқари уларга ун, ўсимлик ёғи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилмоқда.

ТЎРТ ОВСИН ХИРМОНИ

ТАСТАН Эшонтоев «Роватак» деҳқон хўжалигида узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб нафақага чиққан. Лекин, иш қизғин паллада, айниқса, йиғим-терим кезларида у қўл қовуштириб ўтиришни ўзига эп билмайди. Айни кунларда у ёнига келинларини олиб, теримда қатнашаётир. Тўрт овсин ҳар куни биргаликда 200-300 килограммдан ошириб пахта теришмоқда. Улар кейинги беш кунликда 1200 сўм даромад қилишди.

У. ҲАМИДОВ.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1995 йил 26 сентябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(фоиз ҳисобида)

биринчи устун - туманлар, иккинчи устун - бир кунда, учинчи устун- мавсум бошидан буён, тўртинчи устун - машиналарда бир кунда терилган пахта, бешинчи устун - мавсум бошидан буён.

Ўртачирчиқ	**5,15**	**43,19**	**6,11**	**26,58**
Бекобод	**3,41**	**41,31**	**0,63**	**2,75**
Бўка	**3,61**	**35,33**	**2,31**	**9,29**
Оққўрғон	**4,01**	**34,59**	**3,15**	**10,57**
Чиноз	**3,33**	**34,34**	**3,12**	**21,52**
Янгийўл	**3,12**	**34,20**	**2,32**	**10,67**
Юқоричирчиқ	**4,69**	**27,32**	**5,60**	**27,58**
Пискент	**2,40**	**21,43**	**1,12**	**3,20**
Қуйичирчиқ	**3,02**	**18,62**	**3,55**	**12,48**
Вилоят бўйича	**3,65**	**32,85**	**3,01**	**12,74**
* * *				
1994 йилда бўлган эди	**2,39**	**15,14**	**1,51**	**4,71**

КЎЧМА МАРКАЗ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

ПАХТА далаларида қизғин дамлар бошланди. Ҳозирги бутун ҳаракат деҳқонларимизнинг катта меҳнатлари эвазига етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олишга қаратилган. Бугун теримда иштирок этаётган механизаторлар, жамоа аъзолари ва ҳашарчиларни ҳар томонлама модий қўллаб-қувватлаш юзасидан кўп ишлар қилинмоқда. Лекин, яна бир жараён борки, терим қизғин паллага кирган шу кунларда буни унутиб бўлмайди. Бу — пахтакор ва ҳашарчиларга маданий, маърифий хизмат кўрсатишдир.

Шу мақсадда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг Тошкент вилоят бўлими мавсум давомида дала меҳнаткашларига маданий дам олишларни уюштириш, уларни сўнгги ахборот ва маълумотлар билан таминлаб бориш мақсадида вилоят кўчма тарғибот-ташвиқот марказини ташкил қилиш ташаббуси билан чиқди. Бўлимнинг ташаббуси қўллаб-қувватланди. Вилоят кўчма тарғибот-ташвиқот марказини ташкил этиш хусусида вилоят ҳокимининг махсус қарори қабул қилинди.

Шундай қилиб, вилоятимиз пахтаэорлари бўйлаб кўчма марказ йўлга чиқди. Кўчма марказга жалб этилган санъаткорлар, лекторлар, тиббиёт ва оммавий ахборот воситалари ходимлари, ёзувчи ва шоирлар ўтказадиган учрашувлар, маданий ва маърифий кечалар, суҳбатлар дала меҳнаткашларига маънавий озиқ бериб, яхши дам олишларига кўмаклашади, деган умиддамиз.

(Ўз мухбиримиз).

«ФАР— ИТАЛ»НИНГ ШАМПАНЛАРИ

Зангиота туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги ҳудудида Ўзбекистон—Италия—Россия ҳамкорлигида ташкил этилган қўшма корхона ўз фаолиятини бошлади.

ШУНДАЙ қилиб вилоятимизда яна бир қўшма корхона ўз маҳсулотини бера бошлади. Бу корхона Зангиота туманидаги «Фаровон» фирмаси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Италиянинг «Гамбари» ва Россиянинг «Взгляд» фирмалари билан ҳамкорликда бунёд этилди. Бу ерда йилига 5 миллион дона кўпчилик севиб истеъмол қиладиган шампан винолари ишлаб чиқарилади.

— Ҳаракатларни 1994 йилда бошлаган эдик, — дейди қўшма корхона таъсисчиларидан бири «Фаровон» фирмасининг директори Билолиддин Султонов. — Бозор иқтисодининг асосий шартларидан бири маҳсулотни харидорбоп ва рақобатбардош қилиб тайёрлашдир. Шунинг учун ҳам энг сўнгги технологияга асосланган ускуналар Италиядан келтирилди. Шампан виноларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча хом ашёлар ўзимизда мавжуд. Узумни вилоят хўжаликларидан оляпмиз. Идишлар эса Қувасойда ишлаб чиқарилган. Қуввати йилига ҳозирча 5 миллион дона. Агар ишни икки сменада ташкил этсак, бу рақам икки баравар ошиши мумкин. Ҳозирги кунда қўшма корхонада 40 киши меҳнат қиляпти.

Шуни таъкидлаш керакки, мазкур ускуналарни жиҳозлашда кўмаклашган италиялик мутахассислар маҳаллий кадрларни шу ернинг ўзида ўқитишди. Замонавий технология асосида ишлайдиган корхонани юритишга тайёрлашди.

Дарҳақиқат, бугунги куннинг асосий талаби ўз маҳсулотимиз билан жаҳон бозорига чиқишдир. Жаҳон стандартлари асосида Италияда тайёрланган ёрлиқ кўрсаткичлари ёпиштирилган шампан винолари кўпчиликка манзур бўлиши табиий.

Корхонанинг очилиш маросимида иштирок этган Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ф. Сидорский ва Италия элчихонаси вакили Ж. Колелло таъкидлашганидек, бу корхона Ўзбекистоннинг Россия ва Италия давлатлари билан ҳамкорлигининг яна бир янги қиррасидир.

Корхонанинг очилиш маросимида Тошкент вилояти ҳокимининг муовини Л. Тернових ва Х. Асадов иштирок этдилар.

Ф. ФАТТОҲОВ.

СУРАТЛАРДА: технолог Низом Ҳидоятов ва тижорат директори Владимир Пак тайёр маҳсулотни кўздан кечирмоқдалар (чапда), ҳозиргина конвейердан тушган шампан шароби.

Д. АҲМАД олган суратлар.

ҒАЛЛАКОР БУРЧИ

Айни кунларда вилоятда бошоқли дон экинлари экишни ўз вақтида сифатли тугаллаш ва келгуси йил мўл ҳосили учун замин тайёрлаш тадбирлари кўрилмоқда. Қуйида олимларимизнинг бу ишга оид тавсияларини бераётирмиз.

МУСТАҚИЛ Ўзбекистонмизда ғалла мустақиллиги учун кураш қизғин паллага кирди. Ўтган йиллар давомида бу соҳада бирмунча тажрибалар орттирилди. Бу хайрли ва саҳоватли ишга ҳар бир туман, ҳар бир хўжалик, ҳар бир вилоят ўз ҳиссасини қўшиши учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Тошкент вилояти деҳқонлари ҳам бу соҳада катта тадбирларни амалга оширишни режа қилиб қўйдилар. 1994 йилда вилоятда ҳар гектаридан 21 центнердан дон ҳосили олиш режалаштирилган эди. Амалда ўртача 14,2 центнердан, суғориладиган ерларда эса режалаштирилган 25,8 центнер ўрнига 18,1 центнер дон ҳосили олинди. Бу йил эса вилоятда бошоқли дон экинлари майдони 107,2 минг гектарга етказилди. Ҳар гектаридан эса ўртача 24,7 центнердан дон ҳосили олинди. Суғориладиган ерлар ҳосилдорлиги ўртача 30 центнерни ташкил этди. Кўпгина туман ва хўжаликлар ғалла етиштиришда бирмунча юқори кўрсаткичга эришдилар. Масалан, Қуйичирчиқ тумани бўйича ҳосилдорлик ўртача 38,9 центнерга етди. Шу тумандаги «Тошовул» жамоа хўжалигида эса ўртача ҳосилдорлик 40 центнерни ташкил этди. Оққўрғон туманида эса ғаллакорлар ҳосилдорликни 30 центнерга етказа олдилар. Юқоричирчиқ туманига қарашли «Гулистон» жамоа хўжалигида эса ҳар гектаридан 46,2 центнердан, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида эса 43,5 центнердан хирмон кўтарилди. Вилоятда бундай хўжаликлар сони кўпчиликни ташкил этади.

Бу рақамлар, бу кўрсаткичлар вилоятимизда ғаллакорларнинг маҳорати ортиб, тажрибалар бойиб бораётганлигидан далолат беради. Агарда республикамизда халқимизнинг эҳтиёжини қондириш учун 3 миллион 800 минг тонна ғалла керак бўлса, вилоятимиз ўзини ўзи ғалла билан таъминаш, бу соҳада мустақилликка эришиш учун эса камида 425 минг тонна ғалла етиштириши, ҳосилдорлик жуда бўлмаганда 30 центнерни ташкил этиши талаб этилади. Бунинг учун эса 144 минг гектар майдонга ғалла экиш керак бўлади.

Келгуси йилда ана шу катта мақсадни амалга оширишга астойдил киришилди. Яъни вилоят бўйича бошоқли дон экинлари майдони 144 минг гектарга етказилади. Ҳар гектаридан 40—45 центнердан ҳосил олиш учун кураш бошланди.Бу ҳазилакам иш эмас. Лекин, амалга оширса бўладиган ишдир. Бунинг учун бизда ҳамма имконият бор. Вилоятда ҳозирнинг ўзидаёқ бу соҳада баъзи бир тадбирлар амалга оширилмоқда. Суғориладиган ерларда бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил етиштириш технологияси ишлаб чиқилиб, такомиллаштирилмоқда. Илғор хўжаликларнинг тажрибалари ўрганилиб оммалаштирилмоқда. Бу соҳада олимларимиз ҳам ўзларининг қимматли маслаҳатлари, тавсиялари билан ғаллакорларга амалий ёрдам бермоқдалар.

НАВ ТАНЛАШ ВА УРУҒЛИК СИФАТИ

СУҒОРИЛАДИГАН ерларда ғалладан юқори ҳосил етиштиришда ҳар бир ернинг иқлим ва тупроқ шароитига мос нав ва юқори сифатли уруғлик танлаш ва экиш энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Бу соҳада вилоятда жуда катта тадбирлар амалга оширилди. Вилоят ҳокимлигининг шу йил 16 май қарорига мувофиқ Ким Пен Хва номли халқ корпорацияси базасида 650 гектар ер майдонига эга бўлган ғалла ва бошқа экинлар селекцияси, уруғчилигига ихтисослашган элита илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тузилди.

Бирлашманинг вазифаси, асосий иш йўналиши вилоят тупроқ-иқлим шароитида бошоқли ва бошқа дон экинларининг юқори ҳосилли навларини танлаш, экиш, минтақа технологиясини ишлаб чиқиш ва бу технологияни жорий қилиш ва шу асосда хўжаликларни доимий равишда сара уруғ билан таъминлашдан иборатдир.

Элита бирлашмаси 11 та уруғчилик хўжаликларига элита уруғи етказиб беради. Улар ўз навбатида ана шу уруғни экиб, яхши парваришлаб, ундан сифатли уруғ оладилар ва уни товар хўжаликларига етказиб берадилар. Ана шунда 1997 йилга бориб четдан уруғ олишга эҳтиёж қолмайди.

Халқ корпорациясида 1995 йилда 650 гектарга экилган ғалла уруғчилик учун ажратилади. Бу бирлашма давлатга дон топширишдан озод этилади. Экилган навлар бўйича 1000 тонна сифатли кузги буғдой уруғи тайёрланди. Тайёрланган уруғлик шартнома асосида бирлашмага аъзо бўлиб кирган ихтисослашган уруғчилик хўжаликларига тарқатилади. Бу хўжаликлар ҳам келгусида уруғлик тайёрлаб бошқа хўжаликларга тарқатадилар.

Ана шу мақсадда вилоят ҳокимлигининг қарорини амалга ошириш учун 1995 йилда Ким Пен Хва халқ корпорациясида буғдойнинг «Ёнбош» нави супер элита уруғини тайёрлаш учун 42 гектарга, элита уруғини тайёрлаш учун 123 гектарга ва биринчи репродукция уруғини тайёрлаш учун эса 183 гектар майдонга экилди. Бу нав билан бир қаторда «Санзор—4», «Санзор—8», «Интенсив» навлари ҳам экилди. Бу навлар 45—50 центнергача ҳосил берганлиги аниқланди. Демак, бу навлар Тошкент вилояти иқлим шароитида юқори ҳосил берадиган навлар қаторига киради. Бу йил юқорида санаб ўтилган навлардан 1600 тонна уруғ тайёрланди. Тайёрланган уруг 8—10 минг гектар майдонга етади ва бу уруглар элита ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ким Пен Хва номли халқ корпорацияси таркибига кирадиган уруғчилик хўжаликларига тарқатилади.

Юқорида айтиб ўтилган навларнинг Тошкент вилоятида юқори ҳосил бериши Тошкент Давлат аграр университетининг тажриба участкасида ўтказилган ишларда ҳам ўз тасдиғини топди.

Бу университет тажриба участкасида 1994—95 йилларда буғдойнинг янги истиқболли навлари ўрганилди, синаб кўрилди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда экилаётган буғдой навлари жуда кўп, улар ғаллачилик илмий-тадқиқот институтида етказилган. Ҳозирги вақтда суғориладиган ерларда экила бошлаган буғдойнинг «Интенсив», «Санзор-4», «Санзор-5», «Санзор-6», «Санзор-8», «Унумли», «Ёнбош» шунингдек «Шарора», «Сфера», «Тезпишар» «Эритроспераум-760» навлари республика нав синаш майдонларида синовдан ўтиб, юқори ҳосил берадиган навлар районлаштирилмоқда.

Тошкент Давлат аграр университетининг тажриба участкасида 1994 — 1995 йилларда буғдойнинг 20 дан ортиқ навлари синаб кўрилди. Бунинг натижасида «Санзор-6» нави ҳосили 1994 йилда 52,0 центнерга, 1995 йилда 55,6 центнерга «Ёнбош» —50,5 — 54,1 центнерга, «Интенсив» — 47,0 — 51,4 центнерга, «Эритроспераум-760»— 45,2 — 48,2 центнерга тўғри келди. «Унумли» буғдой ҳосили 44,6 — 47,4 центнерга айланди. «Санзор — 4» нави эса буларга нисбатан озроқ 42,7 — 45,4 центнер, «Сурхак— 5688» нави эса жуда паст ҳосил берган.

Булардан хулоса шуки, юқорида қайд этилган навлар Тошкент вилоятида юқори ҳосил берадиган навлар, деб топилди ва уларни экиш тавсия қилинади.

МУЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Суғориладиган ерларда табиийки бундай майдон юқори ҳосил олиш имконияти мавжуд. Лекин бунинг учун юқори агротехника қоидаларини тўлатўкис қўллаш талаб этилади. Улар ерни экишга тайёрлаш, экиш муддатларига, уруғни экиш миқдорига қатъий амал қилиш, ўғитлаш, суғориш ишларини оби-тобида ва ўз вақтида ўтказишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир хўжаликда дон етиштириш технологиясини тўғри қўллаш ва деҳқончилик маданиятини ошириш мўл ҳосил етиштириш гарови ,эканлигини унутмаслик лозим.

Кузги буғдой экиладиган ерлар тупроғи унумдор, бегона ўтлардан тозаланган, нами етарли бўлиши шарт. Шунингдек, барқарор ҳосил олишда буғдойни алмашлаб экишни тўлиқ жорий этиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Кузги буғдойни суғориладиган ерларга эртанги экинлардан бўшаган майдонларга, келгуси йилда такрорий экин экишга мўлжалланган ерларга экиш тавсия этилади. Буғдойни ўсиб турган ғўза қатор орасига ҳам экиш мумкин. Бунинг учун экиш мўлжалланган далаларнинг пахтасини эрта йиғиб олиш ва буғдойни эрта экишга эришиш лозим.

Экиладиган ерларга ишлов бериш тартиби ундан олдин бу майдонларга қандай экин экилганлиги ва даланинг бегона ўтлардан қай даражада тозаланганлигига қараб белгиланади. Аввало экиндан бўшаган майдонлар суғорилади. Тупроқ етилгач, ер ағдарма плуглар ёрдамида 25-30 сантиметр чуқурликда ҳайдалади. Сўнг бу ерлар олдиндан қўлланиб келинган механизмлар ёрдамида текисланади. Умуман олганда шудгор оғир бароналар ёки зичлагичлар (каток)лар билан зичланиши зарур. Акс ҳолда кузги-қишки шароитларда ўтказилган шудгор натижасида буғдой майсалари ва ўсимликларнинг илдизи очилиб қолади. Совуқ натижасида ўсимликлар нобуд бўлади. Экин сийраклашади.

Агарда ер суғорилмасдан ҳайдалса, у вақтда кесаклар ҳосил бўлади. Уларни майдалаш ва шудгорни зичлаш мақсадида Голландия фирмасининг маҳсулотлари — кесак майдалагич мосламаларидан фойдаланиш мумкин. Бу тадбирлар эрта ўтказилиб, ерни экишга тайёрлаш узоғи билан 1 октябргача тамомланиши шарт. Акс ҳолда экиш кечикади.

УҒИТЛАШ

МЎЛЖАЛДАГИ ҳосилни олиш учун, албатта, агрохимия картограммаси маълумотларига асосан ерга меёрланган ўғитлар солинади. Кузги буғдой ҳамма ўғитларга талабчан ҳисобланади. У най ўраш ва бошоқланиш даврида азотни, ўсишнинг дастлабки 4-5 ҳафтасида фосфорни ва ўсиш даврининг бошидан то бошоқлар гуллагунгача калийни, айниқса, кўп талаб қилади. Фосфорли ва калийли ўғитлар кузги буғдойнинг қишга чидамлилигини оширади, доннинг етилишини тезлаштиради. Пояни ётиб қолишдан ва турли замбруғ касалликларидан сақлайди.

«Узагрохимсервис»нинг агрохимия илмий маркази маълумотларига қараганда гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш кўзда тутилганида 1 гектар кузги буғдой экилган майдонга, йиллик миқдордаги ўғитлар бир неча муддатларда, яъни экишдан олдин ва ўсимликларнинг ўсиш даврида берилади. Суғориладиган ерларда экишдан олдин ҳар гектарига 30 килограммдан азот, 90 килограммдан фосфор ва 60 килограммдан калий берилади. Шу билан бир вақтда гектарига 10-12 тонна гўнг ҳам солинади. Қолган ўғитлар билан тенг иккига бўлиб, икки марта озиқлантирилади.

Биринчи озиқлантириш эрта муддатларда, яъни ўсимликларнинг тупланишидан олдин ёки тупланиш даврида берилиши керак. Иккинчи озиқлантириш ўсимликларнинг най ўраш даврига, яъни уларнинг тез ўса бошлаш пайтига тўғри келади. Озиқлантиришдан кейин, албатта, майдонларга сув қуйиш зарур.

Кузги экинларни етиштириш технологияси баҳорги озиқлантириш, бегона ўтларга, хашаротларга қарши кураш, ўғитлашдан иборатдир. Экиш даврида ҳар 70 сантиметр ораликда бир неча экиш аппарати биркитиб қўйилади. Бу экилмаган қаторлардан трактор ғилдираги юради. Шу экилмаган қаторлар трактор ғилдираклари масофасига тўғри келиши керак. Бу қаторлардан трактор юриб гербицид, ўғит солиши ва экинларни суғориши мумкин.

Ўғитларнинг самарадорлиги уларни қулай муддатларда, юқори сифатли қилиб солинишига боғлиқ.

УРУҒНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ

Уруғлик учун йирик, бир текис, қобиғи шикастланмаган ва униб чиқиш даражаси юқори бўлган уруғлар тайёрланади, тозаланади, сараланади. Албатта, экишдан олдин қоракуя ва фузариоз касалликларига қарши Швецария фирмасининг дерозол препарати билан дориланади. Бунинг учун 2 литр дерозол 10 литр сувда эришилиб, суюқлик тайёрланади.

Уруғни экиш муддати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Суғориладиган ерларда кузги буғдойни лалми ерларга нисбатан эрта муддатларда экиб тамомлаш керак. Чунки бундай ерларда уруғ сепиб бўлингач, сув қуйилиб донни тез ундириб олиш мумкин. Кузда майса ҳосил қилади. Совуқ тушгунга қадар ўсимликлар тупланиб улгуради. Натижада совуққа чидамли бўлади. Шунга эришиш керакки кузда буғдой октябрь ойида майсаланиши ва ноябрь ойигача тупланиши ва тупланган ҳолда қишловга кириши зарур. Ана шуни эътиборга олган ҳолда вилоят хўжаликларида бу ишга 20 сентябрда киришилди. Қолган майдонларда ҳам экишни тезлаштириб, узоғи билан 10-15 октябргача кузги буғдой экишни-тамомлаш кўзда тутилмоқда. Лалми ерларда ҳам кузги буғдойни ёғингарчилик кунлар бошланмасдан олдин яъни октябрь ойининг иккинчи ярмидан бошлаб қисқа муддатларда экиб тамомлаш зарур.

ЭКИШ УСУЛИ. Кузги буғдой асосан тор қаторлаб, қатор ораси 15 сантиметр қолдирилиб даланинг бир томонига яъни суғориш йўлига қараб экилади. Бир йўла ўғитлаб ҳам кетилади. Бунда СЗТ-3,6 сеялкасидан фойдаланилади. Бу сеялка экиш билан биргаликда ўғит бериш ишларини ҳам бажаради. Ана шу усулда экиш ишлари амалга оширилса, ўсимлик ёруғлик, нам ва озуқадан тўлиқ, яхши фойдаланади. Уруғлик экиб бўлингандан сўнг 70-90 сантиметр ораликда эгат очилади. Кейинчалик шу эгатлар орқали буғдой суғорилади. Ўғит ва гербицид берилганида тракторнинг шу қатордан юриши таъминланади. Бундан ташқари ғўзапоя қатор орасига ғалла экиладиган майдонларда пахта бир-икки марта терим машиналари ёрдамида йиғиб олингач, қатор оралари культиваторлар ёрдамида юмшатилади ва НРУ-0,5 маркали осма ўғит сепкичлар ёрдамида уруғ сепилади. Сўнгра культиватор ёки махсус мосламалар билан уруғ тупроққа кўмилади. Бунда Голландия фирмасининг «Амазонка» ўғит сепгичидан фойдаланиш мумкин. Бу механизмнинг сиғими 1500 килограммни ташкил этади ва у асосан ўғит сепиш учун мўлжалланган. Лекин ундан ғалла уруғини сепишда ҳам фойдаланса бўлади. Сепиш кенглиги 2 метр, бир кунда 80 гектар ерга уруғ сепа олади.

Албатта, уруғни экиш меёрига қатъий амал қилиш керак ва у сифатли бўлиши шарт. Лалми ерлар унумсиз ва сув билан таъминланмаганлиги сабабли гектарига сарф қилинадиган уруғ миқдори суғориладиган ерларга нисбатан кам бўлади. Чунки, экиш меёри лалми ерларнинг зоналарига қараб ҳам ҳар хил белгиланади. Шунга кўра бундай ерларда 1 гектар ерга 2,5 — 3,0 миллион дона, 80 килограммдан 130-140 килограммгача уруғ сарфланади.

Суғориладиган ерлар унумдорлиги юқори ва сув билан таъминланганлиги сабабли ўсимлик қалинлигини ошириш ҳисобига мўл ҳосил олиш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам суғориладиган ерларда уруғни экиш меёри лалми ерларга нисбатан 2 баравар кўп, яъни гектарига 4-5 миллион дона уруғ экиш белгиланиши керак.

Тошкент Давлат аграр университетининг тажриба станциясида ўтказилган тажрибалар натижасига қараганда, бир гектар ерга 5 миллион дона уруғ экилиб, энг юқори ҳосил олинган. Буғдойнинг «Санзор-6» навидан гектарига 4 миллион дона уруғ сарфланганда 52 центнердан, 5 миллион дона уруғ экилганида 64,3 центнердан хирмон кўтарилган.

Булардан хулоса шуки, уруғ меёри 4 миллион донадан 5 миллион донагача орттирилган вақтда ҳар гектар ерда ўртача ҳосилдорлик ҳамма навлар бўйича 10,4 — 12,3 центнерга кўпайган. Демак, бир гектар майдонга 200 — 220 килограмм уруғ сепиш керак. Уруғликнинг сифатига қараб 250 килограммгача кўпайтириш мумкин.

Вилоят ҳокимлиги томонидан ҳам гектарига шу миқдорда уруғ экиш режалаштирилган. Айниқса, Ким Пен Хва номли халқ корпорациясига жойлашган «элита» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли уруғчилик хўжаликлари уруғни экишда айнан ана шу меёрга қатъий амал қилишлари керак бўлади. Чунки, ўсимлик қалин қилиб экилганида у кам тупланади, яъни бир-иккита асосий поя беради. Бу поялардаги бошоқлар ва ундаги уруғлар йирик бўлади. Улар бир вақтда етилади. Шу сабабли уруғ йирик ва сифатли бўлади. Ўсимликлар сийрак жойлашганида эса улар кўпроқ тупланади ва бир тупда 3-4 ва ундан кўпроқ поя ҳосил бўлади. Бу жараён бир вақтда кечмайди. Кейинги ҳосил бўлган пояларда бошоқлар ва уруғлар майда бўлиб қолади.

Кузги буғдойнинг совуққа чидамлилиги уруғни экиш чуқурлигига ҳам боғлиқ. Агар уруғ саёз экилса, ўсимлик қишки совуқлардан нобуд бўлиши мумкин. Шу сабабли уруғлар 5-6 сантиметр, лалми ерларда эса 6-7 сантиметрлик чуқурликка кўмилиши керак. Экиш тугалланган майдонларни пешма-пеш суғориш зарур.

Кузги донли экинларни парвариш қилиш экиш даврида берилган сувдан ташқари ўсимликларни ўсиш даврида кузги буғдойни ва умуман кузги экинларни бароналаш ва озиқлантириш тадбирлари ўз вақтида ўтказилиши керак. Кузги буғдойни тупланиш даврида биринчи озиқлантиришдан кейин барона қилинади. Бу тадбир муддати экиш муддатига боғлиқ. Агарда кузги буғдой эрта — сентябрь ойининг охири ва октябрь ойининг бошларида экилган бўлса, ноябрь ойининг бошларида туплайди. Шу даврда бароналаш мумкин. Кечки муддатларда экилганда эса, эрта баҳорда бароналанади. Бароналаш енгил бароналар ёрдамида амалга оширилади.

Кузги буғдойни тупроқ иқлим шароитига қараб экиш даврида берилган сувдан ташқари ўсимликларнинг ўсиш даврида икки, уч мартагача суғорилади. Агарда ер ости сувлари юза жойлашган бўлса, ўсиш даврида икки марта, ер ости сувлари чуқур жойлашган майдонларда уч мартагача суғорилади. Биринчи сув тупланиш даврида, иккинчи сув най ўраш даврида ва учинчи сув бошоқланиш бошланиш даврида берилади. Суғориш меёри тупроқ шароитига қараб гектарига 700-800 м³ дан 1000-1200 м³ гача бўлиши мумкин.

ҲОСИЛНИ УРИБ-ЙИҒИБ ОЛИШ

БОШОҚЛИ дон экинларини саранжонлаб олиш энг масъулиятли иш ҳисобланади. Бунда ҳар кун, ҳар дақиқа ғанимат ҳисобланади. Ишни шундай ташкил қилиш керакки, ўрим ўз вақтида ва қисқа муддатда тугалланиши, нобудгарчиликка йўл қўймаслик ғоят муҳимдир.

Зуфар УМАРОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор.
Ғиёс РАҲИМОВ,
Вилоят ҳокимлиги «Элита» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг раиси, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН !

ТАБИАТ ВА ИНСОН

САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

ВИЛОЯТ табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси коллегиясининг навбатдаги мажлисида вилоят корхоналарида ҳосил бўлаётган саноат чиқиндиларини қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш бўйича илмий-техникавий ишланмаларни жорий қилиш масаласи муҳокама қилинди. Унда олимлар, корхоналарнинг раҳбарлари, мутахассислар, экологлар қатнашдилар.

Масалани муҳокама қилиш давомида шу нарса таъкидландики, вилоят республиканинг энг йирик саноат маркази ҳисобланади. Бу ерда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг деярли ярми таёрланмоқда. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш чиқиндиларининг пайдо бўлиши оқибатида ҳосил бўлаётган мураккаб экологик муаммони ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу йилнинг бошларига келиб Тошкент вилоятида фақатгина қаттиқ саноат ишлаб чиқариши чиқиндилари 1 миллион тоннадан ортиқ тўпланиб қолди. Ўтган йил давомида эса унинг бор йўғи 128 минг тоннаси қайта ишланди. Бу шундай чиқиндилар ҳажмининг 1 фоиздан камроғини ташкил этади. Қаттиқ чиқиндиларнинг тўпланиши ер ресурсларига ҳам зарар келтирмоқда. Шуни айтиш кифояки, вилоятда бундай чиқиндилар 6 минг гектардан ортиқ майдонни эгаллаб турибди. Бу ердан қишлоқ хўжалигида фойдаланиб катта самара олиш мумкин эди.

Айниқса, кон қазиб чиқариш мажмуи чиқиндиларини қайта ишлаш масаласи кескин бўлиб турибди. Тўғри, бундай чиқиндиларнинг деярли 95 фоизи кам зararлидир. Лекин, улар ҳам катта ҳажмдаги ерни эгаллаб турибди. Шундай корхоналарнинг бири Олмалиқ кон-металлургия комбинатидир. Комбинатнинг 1 миллион 300 минг тоннадан ортиқ қаттиқ чиқиндилари тўпланиб қолган. Улар кўпайса кўпаймоқдаки, лекин камаймаяпти. Чунки, қайта ишлаш ва фойдаланиш масаласи жуда суст ҳал қилинмоқда. Бу соҳада Ангрен кўмир разрези ҳам «олдинги» сафда бормоқда. Унинг чиқиндилари салкам 59 миллион тоннага етди. Ҳар йили қайта ишланаётган қисми эса фақатгина 0,5 фоизни ташкил этмоқда.

Ангрендаги олтин қазиб чиқариш кони чиқиндилари ҳам кўпайиб бормоқда. Ҳозир 260 минг тоннага етди. Бироқ улардан фойдаланиш масаласи ҳал қилинмаяпти.«Электрокимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Ҳозирги вақтга келиб унинг тўпланиб қолган қаттиқ чиқиндилари ҳажми 95 минг тоннага етди. Чорвоқ минтақасида, Янгиобод, Красногорск ва бошқа шаҳарларда жойлашган чиқиндиларни кўмиш масалаларининг ниҳоятда суст ҳал қилинаётганлиги ҳам экологларда катта ташвиш туғдирмоқда. Ваҳолонки, уларнинг кўпидан ишлаб чиқаришда қайта фойдаланиш ёки шулар асосида янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш мумкин. Чунончи, кўмир кукунидан минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ташкил этса, шунингдек ғишт тайёрлашда қўшимча материал сифатида фойдаланса бўлади. «Электрокимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси чиқиндиларидан бевосита шу корхона учун зарур бўлган махсус моддалар тайёрлаш мумкин. Ҳозиргача бундай моддалар ташқаридан кўплаб маблағ сарфлаб олиб келинмоқда.

Бундай аҳволнинг давом этиши мумкин эмас. Ҳозирги вақтда вилоятимиз табиатига катта зарар келтираётган шундай чиқиндиларнинг кўпайиб бориши янада каттароқ ташвиш келтириши мумкин. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, кейинги йилдан бошлаб чиқиндиларни табиий муҳитга чиқаришнинг меъёри белгиланади. У ортиқча ташланса жарима тўлаш тартиби жорий этилади. Бу меҳнат жамоалари жамғармаларига зарар келтиради. Шунинг учун қаттиқ чиқиндиларни камайтириш, уларни кенг кўламда қайта ишлашда ёрдам берадиган барча имкониятларни ишга солиш лозим.

Шу йўналишда кўпгина самарали ишланмалар борлиги ҳаммага маълум. Бу мавзуда кўплаб илмий ишлар қилинган, номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланган. Айниқса, улар орасида фосфорганчдан фойдаланишга қаратилгани кўп. Бироқ ана шундай ишланмаларнинг биронтаси ҳам ҳозиргача жорий қилинмаган. Бу афсусланарли бир ҳолдир.

Мажлисда таъкидланганидек, айни вақтда қатор корхоналарда чиқиндилардан фойдаланиш бўйича айрим тажрибалар ҳам тўпланган. «Капролактам» қўшма корхонаси, Ўзбекистон металлургия комбинати жамоаларининг бу соҳадаги ишлари диққатга сазовордир. Уларда қаттиқ чиқиндилардан фойдаланиш юзасидан амалий ишлар қилинмоқда. Ангрен ва Бекобод цемент комбинатларида эса цемент ишлаб чиқариш чиқиндилари катта жараёнда фойдаланилмоқда. «Сантехқуюв» заводида эса чиқиндилар иккинчи хом ашё сифатида фойдаланилмоқда. Ҳар бир корхонада саноатнинг қаттиқ чиқиндиларини қайта ишлаш ва фойдаланиш бўйича аниқ дастур тузиш вақти келди. Ҳамма ишни ана шу дастурларда белгиланган тадбирлар асосида амалга ошириш лозим.

Қаттиқ чиқиндилардан фойдаланишни кўпайтириш учун корхоналар лойиҳалаш, конструкторлик, илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликни кучайтирсалар айни муддао бўларди. Чунки, қатор шундай муассасаларда чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича айрим технологиялар ишлаб чиқилган. Ўрта Осиё рангли металлургия илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институти жамоаси бу соҳада анчагина ишлар қилди. Кейинги тўрт йил давомида институт илмий ходимлари Олмалиқ шаҳрида чиқиндиларни йўқлама қилишни амалга оширдилар. Бироқ у оҳиригача етказилмади, маблағ етишмаяпти. Институт мис саралаш фабрикасининг чиқиндиларини қайта ишлаш билан шуғулланди. Бундай чиқиндилар ҳажми ҳозирги вақтда 600 миллион тоннани ташкил этиб турибди. Унинг таркибида олтин, кумуш, мис бор. Олимлар ўз ташаббуслари билан ўз маблағлари ҳисобига цианий эритгичларисиз ноанъанавий усуллар билан ишқорлаш бўйича қатор технологияларни текшириб кўрдилар. Уларни қўллаш анча фоиз олтин, кумуш ва мис олиш имконини беради. Бу технология жорий қилиш учун тайёр. Фақат уни Олмалиқ кон-металлургия комбинатида қўлланиш кутиб турибди, холос.

«Атмосфера» илмий тадқиқот-лойиҳалаш-технология институти олимлари кўплаб тўпланиб қолган чиқинди — каолин лойларини қайта ишлаш муаммосини ҳал қилиш устида изланиш олиб бормоқдалар. Бундан бир неча йил илгари улардан глинозем ҳосил қилиш учун қайта ишлашнинг азот—кислота усули амалга оширилган эди. У ўз харажатларини тезда қоплайди. Айни вақтда институт галваник оқоваларни тозалаш устида ишламоқда. Бунинг учун арзон реагент топилди. У оқаваларни хромдан тозалаш имконини беради. Ҳар бир литр оқовадан 1 граммдан 1 миллиграммгача шундай қимматли хом ашёни ажратиб олиш мумкин.

Айрим бошқа лойиҳалаш, илмий тадқиқот ва конструкторлик ташкилотлари ҳамда корхонанинг раҳбарлари мажлисдаги ўз сўзларида қаттиқ ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш, улардан фойдаланишга эришиш мақсадида олиб бораётган изланишлар, бу соҳада эришилган ютуқлар, хал қилинишини кутиб турган муаммолар, йўл қўйилган камчиликлар, уларни бартараф этиш тўғрисида тўхталдилар. Кун тартибидаги масала катта қизиқиш ва манфаатдорлик билан муҳокама қилинганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Қабул қилинган қарорда корхоналар раҳбарлари зиммасига чиқиндиларни қайта ишлаш ва фойдаланиш бўйича ишларни кучайтириш, табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ходимлари зиммасига эса биринчи навбатда қайта ишлаш вақтида белгиланган технологияга қатъий амал қилиш, ер майдонларидан қайта фойдаланишни тезлаштириш устидан назоратни кучайтириш вазифаси юклатилди. Табиат умумий уйимиздир. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларида сусткашликка, бефарқликка асло йўл қўймаслик лозим. Бунинг учун қатъий кураш олиб бориш зарур.

Вилоятимизда зararли моддаларни чиқариш меёрларини ишлаб чиқиш жадал олиб борилмоқда. Шу вақтгача деярли беш юзта корхона бўйича бу иш бажарилди. Суратда: вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экологик экспертиза ва меёрлаштириш бўлимининг бош мутахассиси А. Пшеничнов (ўртада) ташриф буюрганларга меёрлаштириш бўйича маслаҳат бермоқда.

Суратка ш Г. КАЗЕННОВ.

Диққат: янгилик

ЕЧИМИ ТОПИЛДИ

Чкалов номидаги Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида симобли лампаларни қайта ишлаш ўзлаштирилди.

СИМОБЛИ чироқлар кейинги йилларда тобора кенг ишлатилмоқда. Чунки, уларнинг оддий симли лампаларга нисбатан қатор афзалликлари бор. Энг муҳими у электр энергиясини нисбатан кам сарфлайди ва ишлаши ҳам узоқ муддатга мўлжалланган. Лекин, бундай чироқларнинг куйгани ҳам тўпланиб қолмоқда. Уларни оддий чиқиндилар қаторида ташлаб бўлмайди, таркибидаги симоб атроф муҳитга катта зарар келтириши мумкин.

Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда бу муаммони ҳал қилиш масаласи пайдо бўлди. Бу хайрли ишнинг ташаббускорларидан бири самолётсозлик бирлашмаси бўлди. Бу ерда тегишли технология ишлаб чиқилди, уни қўллаш симобли чироқларни зararсизлантиришда яхши самара бериши маълум бўлди. Қисқа вақт ичида 40 мингта шундай чироқ қайта ишланди. Албатта, бу мамлакат бўйича долзарб бўлиб турган муаммонинг тўла ҳал қилинишини таъминламайди. Лекин у бу соҳадаги дастлабки қадам сифатида ҳам тақдирга лойиқдир. Лекин ҳозирча корхонада бу ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бошқа томонларнинг буюртмасини бажариш имкони йўқ.

Люминисцент чироқларини қайта ишлаш муаммосини ҳал қилишда етакчи қилиб белгиланган Ўрта Осиё рангли металлургия илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти ҳам бундай чироқларни қайтадан тиклаш лойиҳасини ишлаб чиқди. Ҳозир шу асосда кўчма қурилма яратилмоқда. Бу қурилмадан бевосита жойларнинг ўзида фойдаланиш мумкин бўлади. Унинг ёрдамида бир йилда 300 мингта симобли чироқни қайта тиклаш мумкин.

Симобли чироқларни қайта тиклаш технологияси «Атмосфера» илмий-тадқиқот институтида ҳам ишлаб чиқилди. Уни амалиётга жорий қилиш учун эса маблағи етишмаяпти. Бунда илм аҳиллари ишлаб чиқариш корхоналарига ёрдам беришлари керак. Шундагина бу усул ҳам самарали қўлланилиши мумкин. Янги технология ижодкорлари бу соҳада ҳамма билан ҳамкорлик қилишга тайёр туришибди. Улар шерикларсиз бу ишнинг уддасидан чиқиш учун зарур ресурсларга эга эмаслар.

М. ҲАМИДОВ.

«Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» кўрик-танлови ғолиби

«ЖАННАТИ ҲОВЛИ»

ҲАМИД ака Бадриддинов ҳовлисини кўпинча шундай деб аташади. Бунинг боиси бор, албатта. Ҳовлига бир кирган кишининг яна қайтиб киргиси келади. Чунки қачон келманг бу ерда ҳукм сураётган саранжомсаришталикдан бахри дилингиз очилади. Ҳамма нарсада хонадон соҳибларининг қўли гуллиги билиниб туради. Уйлар ҳам, қўшимча бинолар ҳам дид билан қурилган. Ҳовли ажойиб бир боғни эслатади. Албатта катталиги билан эмас, балки унда парвариш қилинаётган мевали дарахтларнинг хилма-хиллиги билан шундай кўринади.

Бор йўғи 0,2 гектарни ташкил этувчи бу ҳовлининг ҳар бир қарич еридан оқилона фойдаланаётганлиги эътиборингизни тортади. Ёз-куз ойларида бу ерга ташриф буюрсангиз ғарқ пишган хилма-хил меваларни кўриб кўзингиз қамашади, улар шундай гўзал бир манзара касб этадики, ҳар бир инсоннинг кайфиятини кўтаради, завқини оширади. Мевалари ширин-шакарлиги билан ҳам ажралиб туради.

Эринмасдан мевали дарахтлар сонини эмас, турини санаб чиқдик. Улар ўндан ортиқ эди. Ўрик, нок, гилос, жилонжийда, нонжийда, беҳи, олма, олча, шотут, қўйингчи бодомгача бор эди. Улар ёнида малина, қорағат ва бошқа шу каби шифобахш резаворлар, буталар ҳам ўсиб турибди.

Ана шундай гўзал ва кўркам боғнинг ижодкори Ҳамид акадир. У эсини танибдики, шу иш билан шуғулланади. Унга меҳри тушган. Дарахтлар «тилини» ҳам жуда яхши билади. Бу соҳада катта билимдон, тадбиркор эканлиги унинг ҳар бир сўзидан сезилиб туради.

— Дарахтлар сўзлашишни билмайди, бироқ улар ҳам тирик мавжудод, — дейди Ҳамид ака. — У ўзига меҳрни талаб қилади. Ҳар бир дарахтни қанчалик ўрнига қўйиб парвариш қилсанг, сенга ҳам ўз борлиғини бахшида этади. Шунинг учун улар ҳам бамисоли фарзандларимдек бўлиб қолган. Доим хол-аҳволларидан кўз-қулоқ бўлиб тураман. Ҳар куни уларни бир оралаб чиқмасам, кўнглим жойига тушмайди. Тупроғини бўшатаман, вақтида суғораман, керак бўлса табиий ўғитлардан солиб тураман. Уларнинг «миннатдорчилиги» бизга ҳадя этган меваси билан ўлчанади. Уларнинг ғарқ пишган меваларидан бир дона олиб танаввул қилишнинг ўзи кишига қанчалик кўп хузур-халоват бахш этишини бир ўйлаб кўринг-а. Шунинг ўзида қилган меҳнатларингга рози бўлиб кетасан. Айниқса, бола-чақанинг оғзи тегишидан бошинг осмонга етади. Ахир бу дарахтларни ўзим учун эмас, ана шу фарзандларим, невара-чевараларим учун парвариш қилаяпман-да...

Ҳамид ака яна кўп гапларни айтди. Айтишларига қараганда, бу дарахтларнинг ҳаммаси у кишининг қўли билан пайванд қилинган. Ўзининг бу касбини қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, таниш-у нотаниш кишилардан ҳам дариғ тутмас экан. Ҳамманинг илтимосини бажаришга интилади. Чунки бундан у хузур қилади.

Ҳовлида турфа гулзорлар ҳам бор. Турли гуллар бир жойга—тўп-тўп қилиб экилган. Гултожихўроз, райхон, жамбил, мойчечак, гладиолос, хина, турли атир гуллар... Ҳаммасини санаб ҳам бўлмайди. Уларнинг хушбўй хидлари ҳовлига кирган ҳар бир кишининг димоғига урилади.

Оила аъзолари замонавий усулда қурилган 7 хоналик уйда истиқомат қилишади. Рўзғорда табиий газдан фойдаланилмоқда, уй-жойлар, қўшимча бинолар ҳам шу «зангори олов» орқали иситиляпти. Ҳар бир хонада тувакларда қўйилган гуллар ёзин-қишин барқ уриб ўсиб туради. Улар ҳам хонадонга файз киритиб турибди.

Ҳамид ака Бадриддинов оиласи Янгийўл туманидаги У. Мусаев қишлоғининг Қўштепа маҳалласида истиқомат қилади. У кишининг асли касби тракторчилик. «Тинчлик» жамоа хўжалигида шу иш билан шуғулланган. Чигитни экишдан тортиб то етиштирилган пахтани йиғиб-териб олгунгача «пўлат отдан» тушмаган. Бундан салкам 10 йил илгари бироз бетоб бўлиб қолганидан сўнг бу касбни ташлашга мажбур бўлди. Ҳозирги кунда қишлоқдаги савдо дўконида қоровул бўлиб ишлаяпти. Бу ишга киргандан сўнг дўкон атрофидаги ташландиқ майдонни гулистонга, ҳақиқий боғга айлантирди. Ҳозир дўкон атрофида 100 тупга яқин терак, бундан ташқари шотут, ўрик, беҳи, нонжийда ва бошқа шу каби мевали дарахтлар барқ уриб ўсмоқда, мева бермоқда.

Тиниб-тинчимас, боғбонликка меҳри тушган Ҳамид ака маҳалладаги қўни-қўшниларни ҳам мевали дарахт кўчатлари экишга даъват этади. Кўпинча шу мақсадда хашарлар ташкил қилади. Яқинда унинг бошчилигида шундай хашарга чиққан маҳалладошлар янги қурилган масжид атрофида ажойиб бир боғ барпо қилдилар. Бу ерда ўрик, тут, нок, ёнғоқ, беҳи ва олча дарахтлари кўчатлари экилди. Уларнинг ҳаммаси кўкариб турибди. Ҳадемай ҳосилга киради.

Ҳамид ака Бадриддинов ҳақиқатан ҳам табиат ихлосманди, саҳоватли инсон. У киши бош бўлган оиланинг ҳар бир аъзосида ҳам ана шундай гўзал инсоний фазилатлар мужассам. Уларнинг хонадони ҳамманинг оғзига тушган. Шу туфайли бу хонадон «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» кўрик-танловининг Янгийўл тумани бўйича ғолиби деб топилди. Шундай хонадонлар кўпаяверсин.

М. МАҲМУДОВ.

• Халқ бойлигига муносабат шуми?

• Ташвишли сигнал

ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ: АҲВОЛ ҚАЧОН ЯХШИЛАНАДИ?

БИРИ-БИРИГА туташиб кетган Ўртачирчиқ, Қуйичирчиқ ва Оққўрғон туманлари оралиғида жойлашган бу ўрмон хўжалигининг ўзига яраша ўрни ва қиёфаси бор. Унинг майдони катта эмас, лекин, аҳамияти катта. Учта туманда атмосфера ҳавосининг тоза бўлишидаги мавқеи беқиёсдир. Унда яшайдиган ҳайвонот дунёси ҳам турли-тумандир. Бу ерда оддий судралиб юрувчилардан тортиб, сут эмизувчи жониворларгача яшайди.

Унинг аҳамияти фақат шу билан чекланмайди, албатта. Яна санайвериш мумкин. Шунинг учун умуман ўрмонлар, шу жумладан ўрмон хўжаликлари ҳақида доим ғамхўрлик қилиш керак, ҳар томонлама асраб-авайлаш, асл ҳолида сақлаш лозим. Бу ўрмон хўжалигининг фақат тўқайзорлари бир олам. Уларда «Қизил китоб»га кирган, бошқа ерларда учрамайдиган кўплаб ёввойи ҳайвонлар ҳам яшамоқда.

Афсуски, сўнгги йилларда бу ўрмончилик хўжалигидаги ишлар талабга жавоб бермай қолди. Унинг худуди талон-тарож қилинмоқда, дов-дарахтлар қуриб қолмоқда. Оқибатда бир вақтлар яшил либосга бурканган дарахтзорлар тақир ерга айланмоқда. Бунинг устига, унинг худудида боқилаётган чорванинг кўпайиши ҳам дарахтлар қатори ўсимликларни пайхон қилмоқда. Натижада тиббиёт учун фойдали турли кўкатлар ҳам нобуд бўлмоқда. Тумандаги 1 ва 2 Канка ҳамда Оққўрғон шаҳрининг шимол томонидаги ўрмонлар участкаларига қайтариб бўлмас даражада зарар етказиляпти. Янги кўчатлар экиш ҳам пухта йўлга қўйилмаган. Ўрмон хўжалигининг яшил бойлигини кенгайтириш, шу орқали ҳайвонот дунёсини кўпайтириш унинг жамоаси зиммасидаги асосий вазифалардан бири эканлиги унутиб қўйилганга ўхшайди.

Ҳар йили минглаб туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилади. Айни вақтда улар орасида турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади. Бунинг учун режа ҳам белгилаб берилган. Кўпгина ишчи кучи шу экинларни парвариш қилишга сафарбар этилади. Янги экилган дарахт кўчатларига қаров суст бўлади, оқибатда уларнинг аксарияти кўкармаяпти.

Ўрмон хўжалигининг 1-Канка участкаси ерлари Оҳангарон дарёси соҳилларига туташган. Сув тошқинлари ва кутилмаган селлар уни ювиб кетмоқда. Фақатгина сўнгги йилларда шундай тиббий офатлар туфайли ўрмон хўжалигининг бу участкадаги ер майдонининг тўрт гектари ўзининг табиий ҳолатини йўқотди. Бунинг олдини олиш учун дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш лозим. Бироқ экологларнинг бундай талаби ҳисобга олинмаяпти.

Яна бир масала. Ўрмон хўжалигининг «Қаҳрамон» жамоа хўжалиги яқинидаги майдони асосан Оҳангарон дарёсининг эски ўзанига жойлашган. Бу ернинг тупроғи серунум. Кўп жиҳатдан шунинг учун ҳам бу ердаги ўнлаб гектар майдонга аҳоли томонидан турли қишлоқ хўжалик экинлари экилмоқда. Бунинг учун уларга руҳсат ҳам берилган. Ахир тартибга мувофиқ ўрмон хўжалиги ерларида деҳқончилик қилиш ёки чорвачилик билан шуғулланиш мумкин эмас. У доим асли ҳолида сақланиши ва шундайлигича навбатдаги авлодларга етказиб берилиши керак. Лекин кўпинча бу қоида бузилмоқда.

Бундай ўзбошимчаликка қарши ҳеч қандай чоралар кўрилмаганлиги, ўрмон хўжалиги раҳбарлари шундай аҳволга нисбатан муросасозлик қилаётганларига ҳайрон қоласан, киши. Улар бу масалада токайгача лоқайдлик қиладилар, унинг ҳам чеки бўлиши керак-ку. Ўрмон хўжалиги давлат, халқнинг дахлсиз мулки, бойлиги ҳисобланади. Хўжалик раҳбарлари буни ҳеч вақт унутмасликлари ва доим эътиборли бўлишлари лозим. Ҳукм сураётган тартибсизликларни бартараф этиш учун барча чораларни кўришлари, қонунчиликда ўзларига берилган ҳуқуқлардан аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланишлари даркор.

Ҳозирча эса шундай қилишмаяпти. Кўп ҳолларда ўзбошимчаликларга бефарқ муносабатда бўлмоқдалар. Бунинг устига табиатни муҳофаза қилиш идоралари нозирларининг ўрмон хўжалигида ҳукм сураётган номақбулчиликларни бартараф этиш тўғрисида берган кўрсатмаларини бажармаяптилар. Бундай муносабат уларга қимматга тушди. Биз жазо чорасини кўришга мажбур бўлдик. Ўртачирчиқ, Қуйичирчиқ ва Оққўрғон туманлараро ўрмон хўжалиги бошлиғи М.Примбоевга 750 сўм жарима солдик. Хўжаликнинг Оққўрғон тумани бўлими бошлиғи А. Абдусаматов эса 450 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди. Ўйлаймизки, улар бундан ўзларига тегишли хулоса чиқариб оладилар.

К. ҚУРБОНОВ.
Оққўрғон туманн табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.

ҲАММАСИ ҚУЁШ ҲАҚИДА

• ҚУЁШ ҳар секундда ерга 4 миллион тонна ёруғлик сочади. Бу сон қуёш нурлари қуввати-ни осонлик билан топишга имкон беради. $4,10^6$ тонна $25,10^{12}$ граммни ташкил этади. Ҳар бир грамм эса $25,10^6$ киловатт-соат демакдир. Бинобарин, қуёшнинг қуввати секундига $4,10^{12}$ $25.10^6=10^{20}$ киловатт-соатга тенг.

Секундига юз миллиард марта миллиард киловатт-соат!

• Бу энергияни энг йирик иншоот — Куйбишев ГЭСи йилига 10 миллиард киловатт-соат энергия ишлаб чиқаргани ҳолда 10 миллиард йилда ишлаб чиқариши мумкин.

• ҚУЁШ сочаётган нурни сунъий равишда ҳосил қилиш учун ҳар секундда 11,600 миллиард тонна тош кўмир ёқиш керак бўлади. Бу эса ҳозир дунёда топилган ҳамма кўмир запасларидан анча ортиқдир.

• АГАР қуёшнинг ерга келадиган ҳамма энергияси маҳсулдор ўсимликлар томонидан ютилса эди, улар билан 58 миллиард кишини таъминлаш мумкин бўларди.

• ПЛАНЕТАМИЗНИНГ экин майдонларини 7 марта, 1,37 миллиард гектардан 9,39 миллиард гектарга кенгайтириш мумкин. Бу эса 65 миллиард кишини озиқ-овқат билан таъминлашга имкон беради.

• ҚУЁШ ердан 3.24.000 марта оғирдир. Қуёшни тортиш керак бўлиб қолганда эди «тарози»да мувозанат бўлиши учун унинг бир палласига қуёшни, иккинчисига эса 324000 та ер шарини қўйишга тўғри келган бўлур эди.

• ҚУЁШНИНГ тутилиши узоғи билан 7 минутга қадар давом этиши мумкин.

Бўстонлиқ йилнинг тўрт фаслида ҳам мафтункор, жозибали, кўркам бўлиб, ўзининг қандайдир сеҳри билан бахри-дилингизни очади.

ЕРНИНГ ҲАМ УВОЛИ БОР

ЎЗБОШИМЧАЛИК ҚИММАТГА ТУШАДИ

БОЗОР иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётган республикамизда янги саноат, транспорт, қишлоқ хўжалик, савдо корхоналари ва бошқа турли хил иншоотлар тобора кўп қурилмоқда. Бизнинг вилоятда ҳам уларнинг сони кундан кунга ошяпти. Шу ўлканинг фуқароси бўлганим учун бундай ўзгаришлар билан қувонаман. Лекин, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг давлат назоратчиси сифатида ҳар бир шундай корхонанинг лойиҳаси қурилиш бошланишидан олдин экологик экспертизадан ўтиши ҳақида қайғураман.

Шу йилнинг биринчи ярмида 44 та лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқдик. Уларнинг 28 тасига амалга оширилиши учун розилик бердик. 16 тасини эса тузатиш учун ҳамда охирига стказиш учун қайтардик. Янги қурилишлар учун ажратилаётган ер майдонларини ҳам текширувдан ўтказяпмиз. Ўтган ярим йилликда 222 та шундай майдонга ижобий хулоса бердик. 8 таси эса қайта кўриб чиқишга тавсия этилди. Чунки улар белгиланган экологик талабларга тўла жавоб бермас эди.

Айни вақтда мавжуд корхоналарни ҳам текшириш ишлари давом этмоқда. Уларнинг атроф-муҳитга ва табиатга зарарли таъсири ўрганиляпти. Бундай корхоналар вилоятимизда экология хизмати ташкил этилмасдан анча илгари қурилган ва ишга туширилган эди. Энг муҳими шундаки, биз янги иншоотларнинг ҳар томонлама табиатни муҳофаза қилиш талабларига қатъий мос бўлишига эришиш билан табиатимизни мусаффо сақлаш, ҳозирги ва келажак авлодлар саломатлигини мустаҳкамлашга ўзимизнинг хиссамизни қўшган бўламиз. Шунинг учун ҳам ишимизни ниҳоятда савобли ва ҳайрли, айни вақтда маъсулиятли деб ҳисоблаймиз. Бу биздан ҳар бир ишда табиатни муҳофаза қилиш талабларига қатъий риоя этишимизни тақозо этади.

Бу йил экологик экспертиза ходимлари бевосита жойларга чиқиб, шу ерда корхоналар жамоаларига амалий ёрдам беришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Биз жойларда бўлганда экологик ишлар аҳволини атрофлича ўрганамиз, унинг ҳолатидан ҳокимликларни хабардор қиламиз, жамоаларга керакли маслаҳатларни бераміз. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар тайёрлаймиз, шаҳарлар ва туманлар экологларининг ўқувини ташкил этамиз. Кейинги қисқа муддат ичида бевосита Бўка ва Пискент туманларида шундай ишлар амалга оширилди. Паркент туманида ижрони текшириш билан шуғулландик.

Бўка туманида қатор объектлар экологик экспертизасиз қурилганлигининг гувоҳи бўлдик. Жумладан, «Узтуркаккуммаш» қўшма корхонасининг тозалаш иншоотлари, шаҳардаги марказий бозор, дўконлар, автобус бекатлари шундай иншоотлар ҳисобланади. Биз бу иншоотларнинг атроф муҳитга салбий таъсирини ўргандик ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар бердик. Бироқ, анча вақт ўтиб кетганига қарамай кўрсатилган бу камчиликлар ҳали бартараф этилгани йўқ.

Қонун ва ижро

Туманда 14 та корхона ишлаб турибди. Ҳозирги вақтда уларнинг фақат 8 таси зарарли моддаларни чиқариб ташлаш учун рухсатномага эга. Қолган 6 тасида эса бундай рухсатномалар йўқ. Чунончи, Бўка пахта заводи, туман ишлаб чиқариш корхонаси, 17-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна, 12-122-автобазалар, 15-автоколонна ҳанузгача шундай рухсатномаларни расмийлаштириб олмаган.

Туманда ердан фойдаланишдаги аҳвол ҳам ташвишлидир. Бўкада 1993 йилда 20 га яқин ер майдони ажратилган бўлиб, улар экологик экспертизадан ўтказилган ва қурилишни бошлаш учун эгаларига рухсатномалар берилган эди. Бироқ, икки йилдан ортиқ вақт ўтишига қарамай бу ерда қурилиш ишлари бошланмаган. Масалан, ўша вақтда «Тошвилколхозқурилиш» трестининг кальций гарбиди тайёрлаш бўйича цехи қурилиши учун 6 гектар ер майдони ажратилган эди. Экологик экспертлар ўша йилнинг май ойидаёқ қуришга рухсат бердилар. Бироқ бу ерда қурилиш ишлари ҳамон бошланганича йўқ. Шунингдек, «Узбекавтогаз» бошқармасининг суюлтирилган газни автомобилларга қуйиш станцияси қурилиши учун 2 гектар ер ажратилган эди. У ҳам бекор ётибди. «Шахноза» кичик корхонаси, «Ўзбек» кичик корхонаси ва бошқа шу каби қатор корхоналар учун ажратилган ерларда қурилиш ишлари бошланмаган. Шу муносабат билан бир нарсани эслатиб ўтмоқчимиз. Қонунга мувофиқ агар тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгандан кейин ажратилган ер майдонида қурилиш ишлари икки йил давомида бошлаб юборилмаса ер олдинги эгасига қайтариб берилиши керак. Агар ажратилган бу ерларга илгари экин экилганини ҳисобга олсак лоқайдлик анча қимматга тушаётганлигини пайқаш қийин бўлмайди.

Пискент туманида ҳам саноат ва фуқаро қурилиши тобора жадал олиб борилмоқда. Ишчи гуруҳи жойларда бўлиб, экологик экспертизасиз қурилишни бошлашга руҳсат бермоқда. Бу йил биронта лойиҳа ҳам экологик экспертиза учун тақдим этилмаган. Ана шундай ишчи гуруҳлари таркибида экологлар ҳам бўлиши лозим. Пискент туманида эса бунга риоя қилинмаган. Шунинг учун биз ҳокимликка кўп эътирозларимизни билдирдик ва улар бундай ишчи гуруҳлари таркибига экологларни ҳам жалб қилишга ваъда бердилар.

Паркент туманида ҳам илгари экологик эспертизага етарли эътибор берилмасди. Лекин кейинги вақтларда бу ишга муносабат ўзгарди. Ер майдонларини танлаш, янги қурилиш учун руҳсат бериш масаласи таркибига табиатни муҳофаза қилиш органлари вакиллари кирган комиссия томонидан ҳал қилинмоқда.

Биз жойларда бўлганда экологик экспертиза билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича батафсил маслаҳатлар берамиз. Зарур бўлса амалий ёрдамимизни ҳам аямаймиз. Лекин айрим ҳолларда бизнинг эътирозларимиз инобатга олинмаяпти. Бу ишда бефарқлик давом этмоқда. Бундан аввало экологик экспертизага тақдим этилмаган лойиҳалар ва улар асосида иншоотлар қуришни мўлжаллаган жамоалар ёки тадбиркорлар зарар кўришмоқда. Шунинг учун ҳамма жойда экологик экспертизадан ўтишга қатъий амал қилиш лозим. Бу давлат аҳамиятига молик иш эканлигини, табиатни муҳофаза қилиш манфаатлари шуни тақозо этишини унутмаслик керак.

А. АБДУРАИМОВ,
Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экологик экспертиза бўлими бошлиғининг ўринбосари.

Ов ҳангомаси

«ДЕРСУ»

КУЗ. Кунлар ҳамон илиқ ва оромбахш. Шундай серфайз кунларнинг бирида ҳамқишлоғим Жўрахон жайра овига таклиф этди. Унинг айтишича жайра кундузи дам олиб, ярим кечада овқатланганига чиқар экан-да, тонг отар-отмас уясига қайтар экан. Ярим кечада биз Охунбобоев номли жамоа хўжалигига қарашли қир-адирларга етиб келдик.

Дўстим Жўрахон кундузи бу ерларда бўлиб жайра уяларини кўриб кетган экан. Уяларнинг бири пастликда жойлашган бўлиб, уя оғзида бир-иккита жайра ниналари ётарди. Иккинчиси эса баланд дўнглик орқасида, ёнтоқзор ичида экан. Жўрахон менга уядан кўз узмай пойлаб ўтиришни тайинлаб, ўзи пастдаги уя ёнига кетди.

Ой ёруғ. Кундузи илиқ бўлгани билан кечаси эсган совуқ шабада баданни жунжиктиради. Дўнглик устидан яқинйироқлар худди кафтдагидек кўринади. Ой ёюруғида ғарб томонда Ҳандам канали ойнадек ялтирар, канал бўйлаб ўсган қамишзорлар енгил шабадада ўз «қўшиғи»ни куйлардир.

Уядан кўз олмайман. Алланима шитирлагандай бўлди. Жўрахон экан. У менга уя оғзини ҳашаклар билан номига беркитишни маслаҳат берди. Шунда агар уйқусираб кетгундай бўлсам, жайра келиб қолса ҳас-чўпларнинг шитирлашидан уйғониб кетиш мумкин экан. Жўрахон эски овчи.

Аллақандай самовий шарпалардан чўчиб кетиб, осмонга қарадим. Бу овозлар иссиқ ўлкаларга учиб кетаётган ёввойи ўрдак-ғозларники эди. Ҳандам каналининг сув уриб кетган жойида, ғира-шира кўринган қир ортида кичкина кўл ҳосил бўлганди. Бу сунъий кўл баъзида ўрдак-ғозларга қўналга вазифасини ўтарди. Ана шу қўналга бўйидаги қамишзорлар орасида писиб ўтириб ов қилгим келиб кетди. Афсуски Жўрахоннинг изимида бўлиб уя пойлаб ўтирибман...

— Ҳа, овчи, калла пишдими, — деган овоздан уйғониб кетиб қарасам, атроф одамни - одам танийдиган даражада ёришган, қушлар парвози тинган экан. Милтиғим ерда ётарди. Мен ҳаяжонлатдан қизариб уяга тикилдим. Уя оғзидаги ҳашаклар сурилган, қандайдир кичкина ҳайвоннинг излари уя атрофидаги тупроқда яққол кўриниб турарди. Менинг пинакка кетганлигимдан фойдаланиб, жайра уясига соғ-саломат кириб кетган экан...

Бахтга қарши менинг «хушёрлигим» туфайли ўша куни овимиз ўнгидан келмади. Бунга бир томондан хурсанд ҳам бўлдим. Ахир тирик жониворни ўлдириш... Лекин дўстим Жўрахон шу кундан бошлаб мени «Дерсу» деб чақирадиган бўлди.

А.МАТҚУПОВ,
Юқоричирчиқ тумани Янгибозор қишлоғи.



Ҳайкалтарош табиат маҳсули.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат.

ЖАЗОЛАНДИЛАР, ЖАРИМА ТЎЛАДИЛАР

ҚИШЛОҚ хўжалиги айниқса, унинг етакчи тармоғи ҳисобланган пахтачиликда турли хил кимёвий моддалардан ҳамон фойдаланилмоқда. Турли хил минерал ўғитлари, экинларнинг зараркунандаларига қарши курашиш учун заҳарли кимёвий моддалар, илгаридагига нисбатан анча кам бўлса ҳам, ҳамон ишлатиляпти. Ҳозирча бусиз илож йўқ. Чунки, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашда биологик усулнинг кенг ёйилмаганлиги бунга имкон бермаяпти.

Шу сабабли ҳам барча туманларда минерал ва заҳарли кимёвий ўғитлар сақланадиган жойлар бор. Биргина «Вилқишхўжкимё» бошқармасининг 12 та туман бирлашмаларида кимёвий воситалар сақланяпти. Бундан ташқари, ҳар бир хўжаликда уларга мўлжаллаган омборхоналар бор.

Бироқ минерал ўғитлари ва заҳарли химиявий моддаларни сақлаш, ташиш ва қўлланишда катта камчиликларга йўл қўйилмоқда. Яқинда ўтказилган текшириш ҳам шуни кўрсатди. Вилоятимиз ҳудудида 4 та туманлараро база бўлиб, уларда минерал ўғитлари ва кимёвий заҳарли моддалар сақланмоқда ҳамда хўжаликларга тарқатиляпти. Айни вақтда вилоятда кимёвий заҳарли моддалар сақланадиган 187 та омбор мавжуд. Уларнинг фақатгина 54 фоизи шунга тўла мослаб қурилган, 85 та бино эса мослаштирилган. Улар давр талабларига жавоб бермайди.

Минерал ўғитлари сақланадиган омборларда ҳам шундай аҳвол ҳукм сурмоқда. Мавжуд 525 та омборнинг фақат 97 таси ёки 18 фоизи талабга тўла жавоб беради. 423 таси эса мослаштирилган биноларда жойлаштирилган.

Бундай кимёвий моддаларни ташиш ҳам катта ташвиш туғдирмоқда. Улар асосан оддий транспорт воситаларида ташиб олинмоқда. Аслида эса бунинг учун иқтисослаштирилган махсус транспорт воситаларидан фойдаланиш лозим. Бу ҳам кимёвий моддаларнинг ташилаётган вақтда тўкилишига ва бу билан атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келмоқда.

Белгиланган тартибга мувофиқ барча бундай омборхоналар атрофи ўралган бўлиши лозим. Токи уларга бегоналар кирмасин. Лекин кўп ҳолларда бунга амал қилинмаяпти. «Вилқишхўжаликкимё» бошқармасининг кўпгина район бирлашмалари ҳудудларида бу талабга мутлақо риоя қилинмайди. Омборларга бегоналар ҳам бемалол кириб чиқиши мумкин. Бунинг устига санитария-муҳофаза минтақалари ҳам ташкил этилмаган. Транспорт воситалари ва агрегатларни ташилган кимёвий моддалар юқидан тозалаш учун махсус майдонлар ускуналаниши лозим бўлгани ҳолда кўп жойларда у йўқ.

Паркент, Оққўрғон, Бўстонлиқ, Бўка, Юқоричирчиқ, Қибрай, ва Янгийўл туманларининг шундай бирлашмаларида ҳукм сураётган аҳволни кўрсанг ниҳоятда ранжийсан. Чунки омбор бинолари авария ҳолатига келиб қолган. Кўплари бузилиш олдида турибди. Заҳарли кимёвий моддалардан бўшатилган идишлар махсус хоналарда эмас, балки очиқ майдонларда палапартиш тахлаб ташланган. Ҳамма ёқда ахлат ва металл парчалари тўлиб-тошиб ётибди.

Бундай камчиликлар олдинги текширишда ҳам аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан мутасадди ташкилотлар раҳбарларига тегишли кўрсатмалар берилган эди. Лекин аниқланган камчиликларнинг кўпчилиги йўқотилмаганлиги кейинги текширишда ҳам маълум бўлди. Бир неча берилган танбеҳлар ва кўрсатмаларни бажаришга лоқайдлик билан муносабатда бўлган мансабдор шахсларга нисбатан турли хил чоралар кўришга мажбур бўлинди. Уларнинг айримлари жазоландилар, бошқаларига жарималар солинди. Паркент туманидаги «Қишхўжкимё» бирлашмаси раиси Н. Холтоевга 750 сўм жарима солинди. Омбор мудири Х. Тўраев эса ўз ҳамёнидан 450 сўм сармояни чиқариб беришга мажбур бўлди. Пискент туманидаги шундай бирлашма раиси Акромов ва катта механик Аширбоевларга нисбатан ҳам қаттиқ чоралар кўрилди. Бўстонлиқ туманининг бирлашмаси бош мухандиси Абдуҳолиқов ва бош механиги Сулаймоновларнинг ҳар бири 300 сўмдан жарима тўладилар. Бўка туман қишлоқ хўжалик кимёси бирлашмасининг раиси Шукуров эса 750 сўмлик жарима билан жазоланди.

Бундан ташқари кимёвий заҳарли моддалар сақланадиган 5 та омбор фаолияти тўхтатиб қўйилди. Яна қатор шундай омборларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш ҳақида қарор чиқарилди. Бундай омборлар Бўка, Ўртачирчиқ, Паркент, Оққўрғон, Қуйичирчиқ, Тошкент ва Чиноз туманларида кўпчиликни ташкил этади. Масалан Бўка туманидаги мавжуд 21 та омбор биноларининг 19 таси, Ўртачирчиқ туманида тегишлича 52 та шундай иншоотларнинг 41 таси,Паркентдаги 14 та омборнинг 12 таси, Тошкент туманидаги 16 та бинонинг 12 таси, Чиноз туманидаги омборларнинг 90 фоизи, Юқоричирчиқ туманидаги шундай биноларнинг 80 фоизи давр талабларига жавоб бермайди.

Бундай аянчли аҳвол билан ҳеч вақт келишиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам уларнинг раҳбарлари аҳволни тубдан яхшилаш учун кескин чоралар кўришлари керак. Аниқланган барча камчиликларни бартараф этишга эришишлари лозим. Бунинг учун унчалик кўп маблағ талаб ҳам қилинмайди. Фақат хафсала, масъулиятни сезиш кифоя. Агар минерал ўғитлари ва заҳарли кимёвий моддалар сақланадиган омборлар ва базаларнинг раҳбарлари экологлар кўрсатмаларини бажарсалар вилоятимиз туманларида табиатни муҳофаза қилишдек олийжаноб ишга, умуман экологик ҳолатни соғломлаштиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган бўлур эдилар. Бизнинг улардан талабимиз ҳам шу.

Э. ҚАҲҲОРОВ,
эколог муҳандис.



Дарахт танасидаги «дастхат» ёки ёмоннинг бир қилиғи.

• Ажойиботлар оламида • Билиб қўйган яхши • Бу қизиқ

ТУЗНИ КАМРОҚ ТАНАВВУЛ ҚИЛИНГ

ИНСОН танаввул қиладиган озиқ-овқат маҳсулотларида туз миқдорини камайтириш фақат биргина Буюк Британияда юрак-қон томирлари касалликлари ва инфарктдан вафот этишни 70 мингтагача камайтирар экан. Йирик халқаро тадқиқотларнинг «Британия тиббиёт журнали»да босилган натижаларида шундай хулоса баён этилган. Бунинг учун жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида истиқомат қилувчи 47 минг кишининг қон босимига тузнинг таъсири ўрганиб чиқилди.

Тадқиқот туз танаввул қилиш билан юқори қон босимининг боғлиқлигини кўрсатди. Босим эса инфаркт ва юрак-қон томир касалликлари пайдо бўлишининг «асосий омиллари»дан биридир. Ҳозирги вақтда ҳар куни истеъмол қилинадиган туз миқдори ўртача 9 граммни ташкил этади. Бу меёрни 6 граммгача камайтириш инфарктларнинг умумий сонини 20 фоиз ва юрак-қон томири касалликларини 16 фоизгача камайтирар эди.

Ўтказилган бундай тадқиқотлар раҳбарларидан бири профессор Малколм Лоунинг айтишича, тузни танаввул қилишни камайтириш қон босимининг пасайишига тез таъсир қилади, босим қанча баланд бўлса тузни истеъмол қилишнинг камайиши уни шунча тез пасайтиради. Бу касаллик олдини олиш тадбирлари орасида у энг оддий, арзон ва айни вақтда ниҳоятда самарали чора ҳисобланади.

ТАБИАТ ЖУМБОҒИ

Сальвадорда яшовчи Рафаэл Орелянинг ранчосида туғилган жонивор фан учун жумбоқ бўлиши мумкин, деб ёзади шу мамлакатда нашр этиладиган «Диарио де ой» газетаси. Урғочи хачир бола туғди, унинг боши хачирникига, танаси эса тойникига ўхшайди. Бундан ҳайратга тушган эгаси унга «хачирот» деб ном қўйди.

Бу ҳақда хабар берган газета шуни ҳам таъкидлайдики, умуман Лотин Америкасида бирорта ҳам хачир авлод бермаган. Эшак билан урғочи от аралашмасига ўхшайдиган бу жониворнинг пушти йўқ деб ҳисоблаб келинган. Маҳаллий ветеринарлар бундай ноёб жонивор боласи билан чуқур шуғулланишга азму қарор қилганлар. Табиатнинг бу жумбоғи қандай ечилар экан? Бу кўпчиликни қизиқтирмоқда.

НИҲОЯТДА ХАВФЛИ МИКРОБЛАР

Россия Тиббиёт фанлари академиясининг Н.Ф. Гамалей номидаги эпидемиология ва микробиология илмий-тадқиқот институти олимлари олиб борган текширишлар сув остида ўсадиган кўк — яшил сув ўтлари ифлос оқовалардан булғанган оби-ҳаёт хавзаларида ўзса ўзидан алоҳида молекулалар ажратишини аниқладилар. Рус олимлари уни «иблис ўқлари» деб аташди.

Ҳамма гап шундаки, деб ёзади «Труд» газетаси, бу микроблар ичиладиган сув билан бирга тирик организмга кириб, радиоактив жароҳатланиш оқибатида содир бўладиган касалликларга ўхшаш хасталикларни пайдо қилади. Бу қон, онкология ва бошқа шу каби касалликлардир. Анъанавий фильтрлаш йўли билан қотил молекулалар ушлаб қолинмайди, ҳатто улар ярим соат қайнатилганда ҳам хавфли бўлиб қолаверади. Мутахассисларнинг фикрича, барча сув ҳавзаларида ўсадиган кўк-яшил сув ўтларининг янада ёйилиши бутун инсониятга ҳавф солади. Шунинг учун бундай ўсимликларга қарши курашнинг самарали воситаларини топиш ёки жаҳон уммони сувларининг ифлосланишини тўхтатиш лозим.

Шундай экан вилоятимиздаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан оқиб чиқаётган ва таркибида турли зарарли, заҳарли моддалар бўлган оқовларнинг сув ҳавзаларига тушишини тўла тўхтатиш ёки бутунлай тозалаб чиқариш лозим. Россия сув ҳавзаларида пайдо бўлган бундай «иблис ўқлари» бизнинг оқоваларимиз оқиб тушадиган сув ҳавзаларида ҳам пайдо бўлмаслигига ҳеч ким кафил бўлаолмайди-ку.

ЭЧКИЛАР САБАБЧИ ЭКАН

Африкадаги Сахрои-кабир ўз майдонини йил сайин кенгайтириб, ям-яшил воҳаларга ҳам хавф солмоқда. Кейинги вақтларда янада кучайган бундай аҳволнинг юзага келишининг сабабчиларидан бири оддий эчкилар бўлиб чиқди. Чунки, бундай жониворлар ўтдан дарахтлар ва буталарни кўпроқ хуш кўради. Уларнинг барглари, навдалари, пўстлоғлари, ҳатто илдизларига жуда ўч бўлади. Бу «зараркунандаларни» ҳеч қандай тўсиқ тўхтата олмайди.

Бу ҳудуддаги эчкиларнинг аниқ бир сонини айтиш қийин, албатта. Чунончи Буркино — Фасо давлатида нашр этилувчи «Карфур африкэн» журналининг ҳисоблашича биргина Нигерда 7,5 миллион бошга яқин эчки бор, Малида эса 10 миллиондан ҳам ошиқроқдир. Бу жониворлар дарахтларга шикаст етказиши билан ажралиб туради, айни вақтда гўшти мазалидир. Нигерда ичиладиган сутнинг ярми эчкиникидир, у шифобахшлиги билан машҳурдир.

БОБИРГА ТЕГИШЛИ ЗАМБАРАК

Ҳиндистоннинг шимолида жойлашган Лакхнау шаҳри яқинидаги аҳоли манзилгоҳларидан бирида истиқомат қилувчи фермер Амарнатх Маурянинг хурсандчиликдан боши осмонга етгандай эди. Бир неча йил давом этган суд ишларидан кейин ўз оиласининг ёдгорлиги ҳисобланган замбаракни қайтариб олишга муваффақ бўлди. Ўрта асрларга мансуб бўлган бу ноёб қурол Бобирга тегишли бўлганлиги ҳам унинг қадрини, баҳосини ошириб юборди. Археология бошқармаси экспертлари уни шундай деб ҳисобламоқдалар.

Замбарак Амарнатхга ота-онасидан мерос бўлиб қолган эди. Бу қурол мутахассислар томонидан катта тарихий аҳамиятга эга эканлиги тан олинганидан ва нархи бир миллион рупий (32,3 минг АҚШ доллари) деб баҳоланганидан кейин маҳаллий маъмурият уни ўз қўлига олиб, давлат мулки деб эълон қилди. Яқинда ҳукумат томонидан жабрланган фермернинг аризаси бўйича бу ишни кўрган суд адолатни рўёбга чиқарди ҳамда замбаракни унинг ҳақиқий эгасига қайтариш ҳақида ажрим чиқарди, деб ёзилади «Труд» газетасида.

МУШУК ДАВО БЎЛДИ

Бу воқеа Заилей олатоғларида содир бўлди. Қария Прокофий Блинов бу гал тоғда пичан ўримига набираси Санькони ҳам олиб чиққан эди. Боласи тушмагур унга катта ташвиш орттирди. Санько ўйнаб юрар экан, қора илонга кўзи тушди-ю уни ўлдирмоқчи бўлди. Судралиб юрувчи эса чаққонлик қилиб, қўлига заҳрини солди...

Воқеани дарҳол пайқаган бува ўт ўришни ҳам йиғиштирди-ю югурди. Боланинг олдига эмас, мушуги Мурка томон чопиб кетди. У бу жониворни доим бирга олиб юрар эди. Набираси бақириб додлашга ҳам улгурмай қолди, бобоси унинг илон ништини урган қўлига икки бўлинган мушукни ўраб қўйди.

Тиббиёт ходимларининг таъкидлашича, худди шу усул туфайли бола тирик қолган, акс ҳолда... Мушукнинг гўшти илон заҳрини зарарсизлантирган ва сўриб олган. Бу қари билганни пари билмас деган мақолнинг яна бир амалий исботидир.

МЎЙЛОВМИСАН МЎЙЛОВ

ҲИНДИСТОННИНГ Уттар-Прадеш штатида яшовчи Рам Чандра Тевари ўз мўйловини ўстиришга киришди. Унинг бундан бирдан бир мақсади Гиннеснинг рекордлар китобига кириш эканлигини ҳеч вақт яширмади. Мана 15 йил бўлдики, у мўйловини бирор марта ҳам олгани йўқ. Эндиликда у ўзининг шу мақсадига эришадиганга ўхшайди. Ҳали 38 ёшга ҳам тўлмаган бу Ҳиндистон фуқароси афтидан жаҳонда энг узун мўйлов эгаси бўлиб қолганга ўхшайди. Мўйловининг узунлиги 2 метру 10 сантиметрга етипти. Бу рекордни ҳисобга олиш учун Лондонга талабнома ҳам юборилди.

Рам Чандра Теваридан ўзингизнинг бундай ташқи кўринишингиз билан бўлган муаммоларингиз борми, деб сўрашганида у ҳазил аралаш шундай жавоб қилган: муаммо атиги битта — мен доим эътибор марказида бўламан, хотинимга эса аёлларнинг менга тикилиб қарашлари ёқмайди.

180 ЙИЛДА ҚИЗ ТУҒИЛДИ

АНГЛИЯЛИК Грейлар оиласи бу галги фарзанд дунёга келганида шу қадар чексиз суюндиларки, бундай тантана чақалоқ туғилганда ҳеч бир хонадонда юз бермаган эди. Оила аъзоларининг хурсандчилиги чексиз эди, уларнинг нигоҳларида севинч аломатлари барқ урарди. Бунинг сабабчиси бўлган чақалоқ қўлдан-қўлга ўтар, ҳамма унга бениҳоя завқ-шавқ билан тикиларди. Бундай қувонч учун асос бор эди — Грейлар авлоди қиз бола туғилишини роппа-роса 180 йил кутишди. Ниҳоят у содир бўлди. 1815 йилдан бошлаб олти авлод давомида фақат ўғил болалар туғилганди. Албатта, бунинг бир тасалли берадиган томони ҳам бор эди — ҳар ҳолда сеп тайёрлаш учун ортиқча харажатлар қилинмасди. 180 йилдан кейин бу авлодда олам юзини кўрган бу севимли қизчага Натали деб исм қўйдилар.

ИРСИЙ МУҲАНДИСЛИК МАҲСУЛИ

АМЕРИКАДАГИ «Монсато» компаниясининг мутахассислари ирсий муҳандислик усули билан маккажўхорининг янги навини яратдилар. Уни АҚШ қишлоқ хўжалик вазирлиги амалиётга жорий қилишни маъқуллади. Маккажўхори бу навининг муҳим хусусияти шундаки, у ўзида кенг тарқалган зараркунанда хашарот — Оврупо ёғоч қўнғизидан муҳофаза қиладиган табиий заҳарни ҳосил қилади. Бундай қўнғиз эса ҳар йили экинларга бир миллиард долларлик зарар келтириши ҳисобга олинса бу кашфиётнинг нафи қанчалик катта эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Америка далаларида картошканинг ирсий ўзгартирилган янги навлари ҳам синаб кўрилди.

МЕЧКАЙ СИЧҚОН

КУРРАИ заминимизда энг мечкай жонивор шу сичқон дейилса ишонмаслик мумкин. Лекин аслида шундай экан. Ўз гавдаси оғирлигига нисбатан танаввул қиладиган емишининг ҳажми ҳисобга олинса шундай бўлиб чиқади. Бу — Шимолий Америкада яшайдиган митти сичқондир. Оғирлиги ўртача тўрт граммгина бўлган бу кемирувчи ҳар уч соатда ўз вазнига тенг келадиган овқат еб туради. Бундай мечкайликнинг бир сири бор экан — агар у бир кун давомида ҳеч нарса емаси ўлиб қолади.



Туяга янтоқ керак бўлса...

Д. АҲМАД олган суратлар.

Ушбу саҳифа материалларини вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва «Тошкент ҳақиқати» газетаси ходимлари тайёрлашган.

• Ҳосил—95

САФАРБАРЛИК

КУЗНИНГ олтин тарозуси ишга тушди. Деҳқон йил-ўн икки ой пешона тери тўкиб етиштирган ҳосилини йиғиб-териб, хирмон кўтаряпти. Мана шундай долзарб паллада қаерда ва қандай соҳада ишлаётганидан қатъий назар ҳамма ўзини пахтакор санаб, этак тутиб далага чиқишни виждон бурчи деб билмоқда. Бўка туманида ҳам одамлар ёппасига хашарга отланиб, деҳқонлар билан ёнма-ён туриб пахта теряпти. Кўп хўжаликларда терим агрегатлари ишга тушди. Йиғиб-териб олинган ҳосил шу заҳотиёқ қабул пунктларига элтиб топширилаётир. Жойларда терим суръатини ошириш имкониятини берадиган шундай омиллар борки, улардан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Мухбиримиз ана шундай қизғин кунларда Бўка тумани ҳокими Баҳодир МАХСИТОВ билан учрашиб, пахта йиғим-терими билан боғлиқ амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

Бу йилги мавсумнинг ўтган йиллардагидан фарқи шуки, туман ҳокимлиги йиғим-терим билан боғлиқ ишларда шу пайтгача амал қилиб келинган эскича услублардан бутунлай воз кечди. Юқоридан «сен ундай қил, сен бундай қил, фалон куни шунча машина далага чиқсин, шунчадан пахта терсин», деган топшириқ ва буйруқ билан иш кўришга барҳам берилди. Мавсумга тайёргарлик ва уни ўтказиш тадбирларини белгилашда бутун ихтиёрни жамоа хўжаликлари ва бригадаларнинг ўзларига қўйиб бердик. Улар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, аниқ тадбирлар асосида иш кўрмоқдалар. Аммо маслаҳат бир ердан чиққанидек, барча хўжаликлар ҳам бу йил қўл теримига зўр беришга, ҳосилнинг асосий қисмини теримчиларга тердиришга аҳд қилишди. Ҳокимлик ҳам уларнинг бу қарорини тасдиқлади.

Ҳақиқатан ҳам шу кунларда хирмонга тўкилаётган аксарият пахта теримчиларнинг улушига тўғри келяпти. 20 мингдан ортиқ бўкаликлар далага чиқишган. Ангрен шаҳридан 4 минг, Қибрай туманидан 2 минг киши ёрдамга келган. Бўка шаҳридаги барча корхона ва ташкилотларнинг ходимлари, ўқув юртларининг талабалари ҳам куз мавсумини деҳқонлар ёнида ўтказишни ихтиёр этишди. Ҳар бир киши камида 50 килограммдан пахта териш мажбуриятини олди. Кундалик терим якуни бу режаларнинг ҳаётий эканлигини, кўп теримчилар ҳатто ундан икки-уч баравар кўп ҳосил териб топширишга муваффақ бўлаётганини кўрсатяпти.

Булардан ташқари ғўза баргини тўктиришга эрта киришилгани ва бу иш юқори сифат билан бажарилгани ҳам машина теримига барвақт киришиш имконини берди. Ҳозирча далаларга 30 та терим агрегати киритилди. Уларнинг ҳар бири билан кунига 5 тонна ва ундан ҳам ошириб ҳосил йиғиб олинаётир. Яна бир ҳафта - ўн кунлардан сўнг терим машиналарининг сони 230-240 тага етказилади. Уларнинг ҳар бири билан камида 5 тонна ҳосил терилса ва бункерлардан камида минг тонна пахта бўшатилса, қўл терими билан қўшиб ҳисоблаганда кунига 3-3,5 минг тонна пахтани қабул пунктларига жўнатиш мумкин бўлади. Бу режанинг 4-4,5 фоиз қисмини ташкил этади, деган гапдир. Ана шунда Бўка тумани 15 октябргача ҳосилни йиғиштириб олиш имкониятига эга бўлади.

Бўкаликларнинг кайфияти шу кунларда ниҳоятда кўтаринки. Хўжаликларнинг бошқарувлари уларнинг унумли меҳнат қилишлари ва яхши ҳордиқ чиқаришлари учун барча имкониятларни яратиб бердилар. Ҳар бир дала шийпонида тушликка иссиқ овқат тайёрланяпти. Ҳар ўн кунликда хирмон тепасида теримчилар билан ҳисоб-китоб қилинаяпти. Ҳар бир килограмм пахта учун 1 сўм 20 тийиндан ҳақ берилаётир. Яхши ишлаган, кўпроқ пахта терган оилалар 800-1200 сўмдан даромад қилишаётир.

Ҳокимлик ўзаро мусобақани авж олдириш мақсадида хўжаликлар, бригада ва теримчилар, механизаторларни рағбатлантириш тадбирларини белгилади. Деҳқонларга ёрдамга келган хашарчилар ҳам унутилгани йўқ. Энг кўп пахта терган ва биринчи ўринни эгаллаган ташкилотга 5 минг сўм, иккинчи ўриндаги ташкилотга 3 минг сўм, учинчи ўриндагисига 2 минг сўм мукофот пули берилади. Йиғим-теримда ўн кунликда биринчи ўринга чиққан жамоа хўжаликлари учун ҳам қимматбаҳо мукофот ажратилган. Бундай хўжаликларга видеомагнитофон, телевизор, иккинчи ўринни эгаллаган хўжаликка рангли телевизор, учинчи ўринда борган хўжаликка эса иккита кассетали магнитофон тақдим қилмоқчимиз. Илғор бригадалар ҳам совға-саломсиз қолмайдилар. Жумладан, Барот Умаров номли жамоа хўжалигининг Деҳқонбой Жуманазаров бошлиқ бригадаси вилоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш топшириғини бажарган эди. Шахсан ўзим бориб, бригада аъзоларига Японияда ишланган магнитофон совға қилдим. Сирасини айтганда Деҳқонбой ака ўтган йили ҳам биринчи бўлиб маррага етган ва рангли телевизор совринини олганди. Бундай совринларга, жумладан «Бўстон» жамоа хўжалигининг Юнус Валиев бошлиқ бригадаси ҳам сазовор бўляпти. Бу бригада ҳам 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 22 центнердан, жами 110 тонна пахта териб топширди.

Ҳа, бригадалар бирин-кетин маррага етиб келмоқда. Кун сайин уларнинг сони ошиб боряпти. Эрта-индин эса дастлабки хўжаликлар ҳам ваъдага вафо қилганликлари тўғрисида хушхабар берадилар. Ғаффор Азаматов номли, «Ачамайли», Барот Умаров номли, Саймоқов номли, «Қашқадарё», «Бўстон» ва бошқа бир қатор хўжаликлар пахта йиғим-терими суръатини ошириб бормоқдалар.

Туман ҳокимлиги қошида пахта штаби ташкил этилгани ва унга жалб қилинган мутахассислар йиғим-теримнинг боришини изчил назорат қилиб бораётгани ҳам бу ишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Штаб аъзолари ҳар куни жамоа хўжаликларига чиқиб теримнинг боришини ўрганиб, таҳлил қилмоқдалар. Аниқланган камчиликлар эса шу ернинг ўзида ва ҳар 2-3 кунда бир марта бўладиган штаб йиғилишида кўриб чиқилаяпти. Биз қуйидан бўладиган таклифларни эътиборга олиб, хўжалик раислари ва мутахассислари фаолиятига аралашаверишни бас қилдик. Улар штаб йиғилишларига келганларида рўй бераётган нуқсонларни биргаликда чуқур таҳлил қилиб уни тўғрилаш йўлларини бамаслаҳат ҳал қиляпмиз. Бундай иш юритиш эса хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларнинг ўзига нисбатан ишончини мустаҳкамламоқда, уларни мустақил иш юритишга рағбатлантираётир.

• Ҳосил—95

ДИЛИДА, ТИЛИДА, ҲАЁЛИДА ПАХТА

Репортаж

АГАР сиз шу кунларда далага чиқиб, пахтазор ораласангиз ёшу-қари, аёлу-эркак, теримчи-ю хашарчи, механизатору — хайбаракаллачи суҳбатида бир хил саволга дуч келасиз.

Салом-аликдан сўнг дарҳол:

— Кеча қанча тердинг?

— Эшитдингми, Ортиқалининг бригадаси 6 фоиздан оширибди.

— Йўғ-э, ўтган куни учгаям етмаганди, шекилли?

— Терим машинаси ишга тушибди-да.

Ўз хўжалиги қолиб, қўшни хўжалик, туман, вилоят, қолаверса мамлакат бир кунда қанча пахта бергани билан қизиқишади. Ҳар ким ўзича эртанги маррани чамалаб кўради, индинга қанча бўлади? Кунлик суръат неча фоизга ошади? Раис, бош агроном, бош ҳисобчи бир ёқда қолиб, жамоанинг ҳар бир аъзоси ўзича режа бажариладиган кунни ҳисоблашга тушади.

Ниёзбош жамоа хўжалиги раиси Ғофур Қўчқоров билан 18-бригада даласига йўл олдик. Механизатор Раҳим Алимов машинасини эндигина созлаб бўлиб, эгат томон бураётган экан. Савол жавоб қисқа бўлди. Кеча 12 тонна терганини, бугун кечагидан кўпайтириш ниятида эканлигини айтиб узр сўрадида, рулга ўтирди.

Ҳамроҳимиз кеча машина оралаган далани кўрсатди. Тоза терилибди. Бунинг сабабини тушунтиришга ўтди.

— Тоннасига 20 сўмдан ҳақ олади механизатор. Агар бригада топшириқни ошириб бажарса механизаторга терган ҳар бир тонна пахтаси учун 50 сўмдан ҳақ беришни режалаштирганмиз. Шунинг учун у кўп теришга эмас, балки етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини нобуд қилмай териб олишга интилади. Раис теримчилар, механизаторлар, оилавий пудрат аъзолари ўртасида йўлга қўйилган мусобақага ҳар беш кунда якун ясалиб, рағбатлантириш яхши самара бераётганлигини айтди. Хўжаликда энг юқори ҳосилдорликка эришган бригада йил якунида бепул енгил машина билан, иккинчи ўринни эгаллаган жамоага сигир, учинчи ўринга полос мукофотга ажратилганлигини айтди. Бир кам 50 йилдан бери сувчилик қилаётган Умарали Нишоналиев ва у билан ёнма-ён туриб бугунги ҳосилга пухта замин яратган сувчилар Йўлчи Турсунбоев билан Ориф Жомбировлар хизматидан мамнун эканлигини, келаси йил Умарали Нишоналиевнинг сувчилик касби ярим асрлигини яхшилаб нишонлашлигини билдирди. Бригада теримчилари Маҳмуда Нурматова, Саидғани Холдоров, Гулсум Жомбирова, Матлуба Турсунбоева ва бошқалар кунига 140 — 150 килограммдан пахта теришиб, ҳар беш кунда 750 — 800 сўмдан ҳақ олиб туришибди. Бригада бошлиғи Зоир Рихсибоев терим суръати кутган даражада бўлмаётганлигини, кеча топширган пахтаси 5,5 фоизни ташкил этганини, 13-бригада ундан ўзиб кетганлигини айтиб, эрта-индин 7 фоизлик маррани кўзлаётганлигини яширмади.

Ниёзбош жамоа хўжалиги пахтакорлари бу йил 1230 гектар майдонда ҳосил етиштирдилар. 3253 тонна хирмон уйиш учун бел боғлашган. Кунлик ўсишда туманда пешқадамлар сафида боришяпти. Йиллик режани 15 октябрда адо этиш ниятидалар.

Узоқ йиллар Меҳнат Қаҳрамони, уста пахтакор Олим Қўчқоров раислик қилган бу хўжаликка мана икки йилдирки унинг фарзанди Ғофур Қўчқоров бошчилик қилмоқда. Ёш раиснинг бугунги иши, шашти, режалари, орзулари катта. У ана шу мақсад сари дадил қадам ташлашда жамоанинг ҳар бир аъзоси мададига таяниб, уста пахтакорлар билан бамаслаҳат иш тутяпти.

***

ШУ КУНИ туман ҳокимлиги ташкилий бўлим мудири Баҳодир Тўраев хонасида учта чўғдек гиламга кўзим тушди. Орадан икки соат ўтмай бу гиламлар беш кунлик мусобақа ғолибларига топширилди. Туман ҳокими сўнгги беш кунлик якунларини таҳлил қилиб берди. Мукофотларни «Тинчлик» жамоа хўжалиги, туман сув хўжалиги ва 11-мактаб жамоаларига топшириб уларни юқори натижа билан қутлади. Бундан кейин туманда суръатни янада ошириш омиллари устида тўхталди. Мавжуд 106 та терим агрегатининг атиги 33 таси ишлаётганлигини, кунлик ўсишда орқада қолаётган жамоа хўжаликлари, шунингдек, «Янги ҳаёт», Ҳамроқул Турсунқулов, Назарали Ниёзов номли ва бошқа хўжаликларнинг оқсаётганлигини, 2-кўчма механизациялашган колонна, луб заводи, «Сохибкор» агрофирмаси, Тошкент вилоят сув қурилиши трести жамоалари қўл учидагина ёрдам бераётганлигини танқид қилди. Яқин 2-3 кун ичида камида 90 та терим агрегати далага чиқарилиши лозимлигини, пахтазордаги ишчи кучларини 12565 кишига етказиш лозимлигини таъкидлади.

Ана шунақа, Янгийўлда бугун ҳамма — хокимликдан бошлаб ишчи хизматчи-ю, меҳнат фахрийлари, уй бекалари, ёшларгача пахта ўй-ташвиши билан яшамоқда. Одатда кўпчилик баҳамжиҳат, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилса, мақсадга албатта эришилади. Шу руҳ билан яшаб — меҳнат қилаётган бу туман меҳнаткашларига ҳам омад ёр бўлсин.

Ш. УМУРЗОҚОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Суратда: тумандаги «Тинчлик» жамоа хўжалиги илғор теримчиси Насиба Абдулҳасанова.

Суратқаш Р. ГАЛИЕВ.

Тошкент туманида

ИЛҒОР САБЗАВОТКОРЛАР

БУ ЙИЛ туман деҳқонлари 35 минг тонна сабзавот топширишга аҳд қилган эдилар. Далаларда ана шу аҳднинг ошириб бажарилишини таъминлайдиган ҳосил етиштирилди. Ҳар куни шаҳарликлар дастурхонига 250-300 тонна сабзавот жўнатилмоқда. Ишни пухта ташкил этган хўжаликлар режани бажариб қўйдилар. Жумладан, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги 2800 тонна ўрнига 2920 тонна, Ғ. Абдуллаев номли жамоа хўжалиги 3200 тонна ўрнига 3250 тонна, «Тошкент»жамоа хўжалиги 4000 тонна ўрнига 4100 тонна, Собир Раҳимов номли хўжалик 4000 тонна маҳсулот топшириб, режани бажардилар.

Сабзавоткорлар қолган ҳосилни ҳам нес-нобуд қилмай териб олиб, шаҳарликларга ўтган йилдагига қараганда анча кўп маҳсулот етказиб беришга ҳаракат қилмоқдалар.

УЗУМ УЗИШ АВЖИДА

БУ ЙИЛГИ об-ҳаво мева ва узум ҳосилининг мўл бўлиши учун қулай имконият яратди. Бу имкониятдан оқилона фойдаланган соҳибкорлар, боғбонлар эрта баҳорданоқ астойдил меҳнат қилиб, боғ-роғларда агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга ошириб, мўл ҳосилни тўла сақлаб қолиш учун маҳоратлари, тажрибаларини ишга солдилар. Айниқса, узумзорларда ҳосил мўл бўлди. Туман меҳнаткашлари ана шуни ҳисобга олиб, бу йил 6200 тонна узум топширишни режаладилар. Ҳозиргача 2,5 минг тонна топширилди. Узум узиш ва уни давлатга топшириш, тайёрлов пунктларига, қайта ишлаш корхоналарига етказиб беришда «Ҳасанбой», М. Фозилов номли, Охунбобоев номли жамоа хўжаликлари яхши натижаларга эришмоқдалар.

МАДАДКОРЛАР

ҲАР ЙИЛДАГИДЕК бу йил ҳам Тошкент тумани қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари йиғим-теримда пахтакорларга ёрдам беришга, улар билан елкама елка туриб «оқ олтин» теришга отландилар. Айни кунларда Оққўрғон туманининг «Қаҳрамон», «Гулистон», «Маданият», «Султонобод» жамоа хўжаликларида Тошкент туманидан 3 минг киши пахта теримида қатнашмоқда. Дастлабки маълумотлар сабзавоткор, боғбонлар ўз ҳамкасбларига, пахтакорларга астойдил кўмаклашиб, йиғим-теримда яхши натижаларга эришаётганликларидан, туман хирмонининг юксалишига муносиб ҳисса қўшаётганликларидан далолат бермоқда.

Н. ИСАЕВ.

Жиноят ва жазо

Бу воқеа бутун Янгийўл шаҳрини ларзага солди. Кимлардир шу шаҳарда яшайдиган Расим Бекировни ўлдириб кетибди деган овозалар ёнига уни қандай қийнаб, азоб берганликлари ҳақидаги тафсилотлар ҳам қўшилиб аҳолини жунбушга келтирди. Шу сабабли жиноятни очиш учун прокуратура органлари олиб бораётган тергов ишларининг натижасини кўпчилик сабрсизлик билан кутарди.

ҚОТИЛЛИК

... Ҳамманинг нигоҳи суднинг қора курсисида ўтирган икки ёш қиз ва бир йигитга қадалган. Уларнинг бири — Саодат Мухторова эндигина ўн тўққиз ёшга, бошқаси — Доно Закриясва эса йигирма ёшга кирган. Сойибжон Туронов улардан бироз тетикроқ. Мабодо кўчакўйда дуч келгудек бўлса, уларга эътибор бермай ўтиб кетавериш ҳам мумкин эди, қиёфасидан оддий, содда, беғубор қишлоқ қизлари ва йигитларидан фарқ қилмасди. Судда ҳам улар гўё ҳеч қандай воқеа содир бўлмаганидек, ўзларини хотиржам тутишарди. Уларнинг бу қадар совуққонлигини кузатиб турган кишилар «наҳотки шу қизлар қотиллик қилиб, қўлларини қонга ботирган бўлишса», деган ўйга ҳам боришди.

Ҳа, улар қотиллик қилишди. Осон йўл билан пул топиш мақсадида бошқаларнинг халоҳ молига кўз олайтириб, қўлларини қонга ботиришди. Воқеа шундай содир бўлганди:

Ниёзбоши қишлоғилик Саодат Мухторова Янгийўл шаҳрига келиб, таниши, асли Эски қовунчилик, ҳозир эса Жиззах туманидаги «Москва» жамоа хўжалигида яшаётган Доно Закриясвани учратиб қолиб, у билан бирга Расим Бекировнинг уйида ижарада яшай бошлади.

Р. Бекиров ўша кезларда уйини сотиб, бошқа жойга жўнаб кетишга тайёргарлик кўраётганди. Бу хабарни эшитган иккала қизнинг ҳам ҳаёли бузилди. Ахир ҳозир нима қиммат — уй-жой қиммат. Расим ога уйини пуллаган бўлса, у Янгийўлда омонат одам. Аллақачон оиласи, бола-чақаларини кўчириб юбориб, савдо-сотиқни тугатиб ўзи ҳам кетишга тайёргарлик кўраётганди. Яна уйнинг пули шу ерда бўлиши керак. Саодат билан Доно тил бириктириб қулай вақт келишини кутишни, йўли топилса ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам унинг пули ва мол-мулкига эгалик қилишни дилларига тугиб қўйишди.

Орадан кўп ўтмай ана шундай ўнгай пайт ҳам кела қолди. Расим Бекиров маст ҳолида айвонга чиқиб диванда ётган эди. Иккала аёлдан бошқа уйда ҳеч бир зоғ йўқ эди. Саодат кўчадан атайлаб олиб келган оғиргина тош билан писиб бориб Бекировнинг бошига зарб билан туширди. Оғриқдан инграб ўрнида тўлганаётган Расим оганинг боши, бўйни ва бошқа дуч келган жойларига кетма-кет ураверди. Сўнг тошни ташлади-да, дераза токчасидаги пичоқни олиб қурбонининг кўкрагига ва бўйнига санчди. Доно Закриясва ҳам ундан орқада қолмади. Ана шундан кейингина Бекиров дивандан полга йиқилди. Вахшийлашиб кетган иккала қиз унинг жони узилганини билдилар-да полда ётган жойида адёл билан ўраб, жасадни йўқотиш ҳаракатига тушишди.

— Ўлиги ҳам зил-замбил экан, икковимиз ҳам уни эплолмаймиз, — деди ҳансираб кўзлари қонга тўлган Закриясва.

— Сойибжонни олиб келсакмикан? Балки у ёрдам берар? — Саодат Мухторова ўртага фикр ташлади. — Қандай бўлса ҳам уни тезроқ бир ёқлик қилиш керак.

Икки қотил қонли қўлларини ювиб, артиниб олишди-да, Навбаҳор қўрғонининг А. Ортиқов кўчасидаги I-уйда яшайдиган таниш йигит Сойибжон Туробовнинг дарвозасини тақиллатиб, унга бўлган воқеани сўзлаб бердилар, жасадни йўқотиш учун ёрдам беришни илтимос қилдилар. Аммо, қотилликни эшитган йигитнинг эси оғиб, уларга кўмак беришдан бўйин товлади.

— Мени бу ишга аралаштирмаларинг. Уни қандай ўлдирган бўлсанглар, жасадини ҳам ўзларинг саранжомлайверинглар.

У шундай деди-да, эшикни ёпиб, уйига кириб кетди. Содир бўлган қонли воқеа ҳақида милицияга хабар бериш унинг ҳатто ҳаёлига ҳам келмади. Бу қилмиши эрта-индин ўзини жиноятчилар билан суднинг қора курсисига олиб келиши тўғрисида ўйламади ҳам.

С. Туроновдан бирон иш чиқаролмай қуруқ қайтган қотиллар уйга келгач, жасадга ҳам қарамай, хонадаги қўлга илинган буюмларни — қошиқ ва санчиқлар, чойнак ва сочиқлар, тарелка ва кийимларни жомадон ва тугунларга тугиб, девордаги гиламни ҳам ўраб, шаҳар темирйўл бекатига равона бўлишди.

— Жиззахга, бизнинг уйимизга борамиз. Ҳамма воқеалар тинчиб кетгунича ўша ерда яшаб турамиз, — деди Доно Закриясва дугонасига. Улар шундай ҳам қилишди. Поезд келгунича тунни темирйўл бекатидаги милиция хонасида ўтказишдида, сўнг чипта олиб вагонга чиқишди.

Суд мажлисида бошқа гувоҳлар қаторида Дононинг отаси Носир Закриясв ҳам қатнашиб шундай кўрсатма берди:

— Қизим Доно Закриясва 3 йилдан бери ҳеч қаерда ишламайди. У Янгийўлга бориб кесламан, деб уйидан чиқиб кетганди. Орадан 16 кунни ўтказиб Саодат деган дугонаси билан эшикдан кириб келди. Қўлларида катта тугун билан жомадон ва гилам бор эди. «Пулинг йўқ эдику, буларни қаердан олдинг?» — деб сўрадим. У бўлса Янгийўлда одам ўлдириб уйини талаб келганлигига иқрор бўлди. Кечқурун милиция ходимлари келиб икковини ҳам олиб кетишди...

Бу пайтда Янгийўл шаҳар милицияси Расим Бекировнинг ўлдирилгани ва уйи талаб кетилгани ҳақидаги хабарни олган, шаҳар прокурори тергов иши қўзғатиб, дастлабки терговни олиб бориш тўғрисида кўрсатма берган эди.

Терговчилар қилни қирққа бўлиб, жиноятни бутун тафсилотлари билан очиб ташладилар. Қотиллар ўз қилмишлари гувоҳ ва далиллар ёрдамида фош бўлгач, барча воқеани рўй-рост гапириб беришга мажбур бўлишди...

Суд-тиббиёт экспертизаси хулосасига кўра улар Расим Бекировга 24 та жароҳат етказишган, у ниҳоятда қийналиб жон бергани маълум бўлди. Молшунос экспертлар эса ўғирлаб кетилган буюмларнинг жами баҳоси 2181 сўмни ташкил этгани тўғрисида хулоса чиқардилар. Қотиллар ҳар қанча қидиришмасин сотилган уйнинг пулини тополмаган эдилар.

Вилоят судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати вилоят суди биносида очиқ суд мажлисида ушбу жиноий ишни кўриб чиқиб, ҳар иккала қотилни ҳам мол-мулкини мусодара қилган ҳолда 15 йилдан озодликдан маҳрум қилишга, содир бўлган қотилликдан хабардор бўлса ҳам бу ҳақда милицияни воқиф қилмагани ва жиноятни яширгани учун Сойибжон Туроновни 2 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Суд мажлиси тугаб, жиноятчилар ўз қилмишларига яраша жазоландилар. Бу воқеа кўп вақтгача янгийўлликларнинг ҳаёлидан кўтарилмаслиги, кўпчилик уни тез-тез эслаб юриши аниқ албатта.

— Ишламай текинхўрлик қилиб юришнинг охири вой бўлишини мана шу воқеа ҳам тасдиқлаб турибди, — деди суд ҳукмидан сўнг гувоҳлардан бири, Расим Бекировнинг қўшниси О. Бурсенина. — Халқ саёқ юрган, албатта, таёқ ейди, деб бекорга айтмаган.

Ҳа, саёқ юрган таёқ ейди, жиноят албатта жазоланади. Буни юқоридаги воқса ҳам кўзгудагидек кўрсатиб турибди. Аммо шу ерда ҳақли бир савол туғилади: катта ҳаёт йўлига эндигина кириб келаётган, ҳали ўн гулидан бир гули очилиб улгурмаган ёш қизларни ишламай текинтомоқ бўлиб юришга, бошқаларнинг мулкига кўз олайтириб, охир оқибатда энг оғир жиноят — одам ўлдиришгача стиб боришларига нималар сабаб бўлди?

Бунга сабаблар кўп. Аммо уларни жиноят кўчасига етаклаб кирган сабаблардан бири — оила ва жамоатчиликнинг инсон тақдирига бефарқ қараб, уни ўз ҳолига ташлаб қўйганлигида деб айтиш тўғрироқ бўлади. Д. Закриясванинг отаси Носир Закриясвнинг суд мажлисида гувоҳ сифатида айтган сўзларини эсланг-а. У, ҳатто, қизининг ярим ойдан кўпроқ вақт уйидан узоқларда санқиб юргани билан ҳам қизиқмаган. Ҳатто Дононинг тугун ва жомадонда ўғирлаб олиб келган буюмларни кўриб қаттиқроқ тергамаган ҳам. Қизининг қотиллик қилганини эшитганида ақалли сесканиб ҳам қўймаган. Унинг оталик меҳри, қизининг тақдири билан қизиқиши қаерда қолди? Ахир отанинг бурчи фақат фарзандни дунёга келтириш билан чекланиб қўя қолишдан иборат эмас-ку. Уни тарбиялаш, оқил ва одобли қилиб ўстириш ҳар бир ота-онанинг муқаддас бурчи-ку. Носир Зикриясв ўзининг ана шу бурчини унутиб қўйганлиги сабабли ҳам уни қизиниг қотиллик содир қилишида асосий айбдорлардан бири деб айтиш жоиз. Саодат Мухторованинг ота-онаси ҳақида ҳам худди ана шундай гапларни айтиш мумкин.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, инсон ҳеч қачон жиноятчи бўлиб туғилмайди. У носоғлом оилавий муҳит ёки ёмон тарбия кўрган «дўст-ёрлар» таъсирида шундай қуйга тушади. Д. Закриясва, С. Мухтороваларнинг тақдири бунга яққол мисол бўла олади. Қонун эса барчага баробар ва унинг олдида ҳамма тенгдир.

Таъкидлаш жоизки, оила, қўни-қўшни, маҳалла жамоатчилиги ҳар бир фарзандинг тақдири, тарбияси, аҳлоқ-одоби учун жавобгардир. Халқимизда азал-азалдан шундай бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Ана шуни сира унутмаслик керак.

М. МУСАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бошқармаси бошлиғи, адлия маслаҳатчиси.

Р. ТУРСУНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Республика ички ишлар вазирлиги Матбуот маркази хабар қилади

МАШИНА ЎҒРИСИ

ҚЎЗА кунда эмас, кунида синади деганларидек, Оҳангарон шаҳрида яшовчи А. Кимнинг ҳам кўзаси чирт синди. Бу «учар» йигит шу йилнинг 23 июнь куни А. Қурбоновга тегишли енгил автомашинани «суриб» кетгач, қўлга тушмаганидан анча севиниб юрди ва орадан кўп ўтмай иккинчи «шестерка»ни тинчитди. Аммо Т. Тожиевнинг «ВАЗ-21А61» автомашинасини ўзлаштиргач, ўзиям тиним билмай қолди. Негаки, унинг бу ишлари устидан тергов ишлари бошлаб юборилган эди.

ЎҚСИЗ ҚУРОЛ

Янгийўл шаҳрида ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилган тезкор чора-тадбирлар маҳалида Ниёзбош жамоа хўжалигида яшовчи «Янгийўл» қаҳвахонаси ишчиси Сатторов бошқарувидаги автомашина салонидан «ТУ-2241» рақамли ўқсиз Макаров тўппончаси топилди. Бу йигитнинг қуролни нима мақсадда олиб юрганлиги ва унинг манбаини аниқлаш юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

ДАРД УСТИГА ЧИПҚОН

Паркентдай жойдан Қибрайга даволанишга келган, дардига малҳам топаманми, деб юрган 23 ёшли Қодированинг дардига дард қўшилди. Унинг хонасига кириб, зўравонлик билан унинг 2 минг сўм пулини тортиб олиб кетишгач, соғайиш ўрнига...

Ички ишлар ходимлари бир зумда зўравонни қўлга олдилар. У Қибрай қўрғони Нафосат кўчасида яшовчи, аммо аёллар билан муомалада нафис муносабатда бўлишдан анча йироқ бўлган 25 ёшли Т. Қосимов деган кимса экан.

ҚИРҚДАН ОШГАННИНГ ҚИЛИҒИ

Тошкент шаҳрининг Миробод туманида ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилаётган тезкор тадбирлар маҳалида гумонсираб ушланган оққўрғонлик Раҳмоновнинг ёнидан 650 грамм қорадори моддаси топиб олинди. Қирқ ёшдан ошган бу кишининг қилиғи туфайли унинг оила аъзолари анча вақт айрилиқ дамларини бошидан кечирса ажаб эмас. Негаки жиноятга жазо муқаррар экан, Раҳмонов ўз қилмишига яраша жазо олиши турган гап.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
Республика ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими.

Спорт

ХИТОЙЛИК ТЕННИСЧИЛАР УСТУН КЕЛИШДИ

ОСИЁ ва Океания мамлакатлари зонасида Дэвис Кубоги учун иккинчи гуруҳда пешқадамлик қилган Ўзбекистон ва Хитой теннисчилари биринчи гуруҳга ўтиш учун ҳал қилувчи учрашувларни ўтказишди. Бунгача ҳар иккала мамлакат вакиллари иккитадан ғалабани қўлга киритган эдилар. Баҳс ниҳоятда кескин ўтди. Дмитрий Тамошевич Пан Бинга ютқазиб қўйди. Олег Огородов эса Пан Винни мағлубиятга учратди. В. Кущенко Ся Цяпиндан енгилди. Жуфт мусобақаларда хитойлик теннисчиларнинг қўли баланд келди. Умумий 3:2 ҳисобида ғалабага эришган Хитой теннисчилари биринчи гуруҳга йўлланма олишди.

«НАВБАҲОР» ПЕШҚАДАМ

ФУТБОЛ бўйича мамлакат биринчилиги олий табақаси қатнашчилари навбатдаги 24-тур ўйинларини ўтказдилар. Учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Янгиер» — «Наврўз» — 1:0, «Атласчи» — АСК — 1:0, «Чирчиқ» — «Трактор» — 0:2, «Машъал» — «Пахтакор» — 1:3, «Нурафшон» — «Суғдиёна» — 0:3, «Навбаҳор» — «Темирйўлчи» — 4:1, «Динамо» — МХСК — 1:2.

Шу турда «Политотдел» Фарғонада «Нефтчи» билан ўйнаши лозим эди. Бироқ фарғоналиклар Осиё чемпионлари кубоги мусобақаларида банд бўлганликлари сабабли мазкур учрашув бошқа кунга кўчирилди. «Нефтчи» Қозоғистоннинг «Елимай» командаси билан бўлган чемпионлар кубоги ўйинида 1:4 ҳисобида мағлубиятга учради.

24 турдан сўнг 60 очко тўплаган Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси пешқадамликни қўлга олди. МХСК футболчилари ҳисобида 58 та очко бор. Учинчи ўринни эгаллаб турган «Нефтчи» эса 57 очкога эга. Бироқ фарғоналиклар иккита кам ўйин ўтказишган.

«УЗДИПСЕРВИС»

хўжалик ҳисобидаги ташқи савдо маркази

1996 йил каталоглари бўйича Германиянинг фирмаларидан келтирилган қуйидаги молларни харид қилиш учун тақдим этади:

OTTO **Quelle NECKERMANN**

хотин-қизлар, эркаклар, болалар кийимлари ва пойабзаллари, ўйинчоқлари, спорт моллари, электроника, рўзғор буюмлари, мебель, асбоб-анжомлар, сантехника буюмлари, қурилиш материаллари ҳамда сиз ва сизнинг хонадонингиз учун зарур бўлган бошқа моллар.

Моллар ҳақи тўланганидан кейин 10 кун муддат ичида етказиб берилади.

Алоқа учун телефонлар: 67-26-61, 44-63-14.
Факс: 44-65-02.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва бидирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: № 8 Буюртма Г-0385. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 20.30. 1 2 3 4 5 6